

HURRIYAT

1996-yil dekabr
chiqa boshlagan

MUSTAQIL GAZETA

№ 44
(1106)
2018,
24-OKTYABR
chorshanba
hurriyat.uz

ЭКОЛОГИЯ:
муаммо, муносабат, мулохаза

Мухбиримиз Ҳолда ФАЙЗИЕВА:

Замин — асли она. Унинг ҳар бир
унсури оналикнинг ўлмас дostonини
тараннум этади. Бағрида етишти-
рилган неъматлар она кўксига
сутга ўхшайди.



4 → **TIL VA ADABIYOT**
TALIMI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KALIM TILIMI VAZIRLIGI
ILMIY METODIK JURNALI
журнали газетамиз меҳмони

6 → **Болалар дунёсида
яшаётган адиб**
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Худойберди ТЎХТАБОЕВ
билан суҳбат

7 → **Гдьяннинг миллионлари:
афсонами, ҳақиқат?**
“Гаров”да ушлаб турилганларга тааллуқли материал-
ларни судга тақдим этишмаганлигининг яна бир сабаби
— улар тергов сохталаштирилганлигини ошкор қилиб
қўйишдан хавфсирашган.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Мамлакатимиз энергетика соҳасидаги янги давр

Ташриф доирасида 19 октябрь кuni Ўзбекистон Республикасида биринчи АЭС қурилиши лойиҳасининг бошлаб беришга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин рамзий тугмани босиб, ушбу йирик лойиҳага старт берди.

Тадбирни видеоалоқа орқали қузатиб турган “Ўзатом” агентлиги ва “Росатом” давлат корпорацияси Ўзбекистонда биринчи атом электр станцияси қурилиш майдонини танлаш учун муҳандислик тадқиқотлари бошланганини эълон қилди.

“Бугун биз Россия Федерацияси билан ҳамкорликнинг янги стратегик йўналиши — атом энергетикасини ривожлантиришга қўл урмоқдамиз. Ушбу лойиҳа мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармоқни вужудга келтиради. Бу sanoat салоҳиятини

янада ривожлантириш ва иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади”, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Хорижий лойиҳалар сони ва қўлами бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган — 12 мамлакатда 34 та энергоблок бунёд этган “Росатом” корпорацияси билан Ўзбекистонда атом электр станцияси қуриш тўғрисида келишувга эришилди. Ушбу станция ҳар бири 1 минг 200 мегаватт қувватга эга иккита, “3+” авлодига мансуб энг замонавий ва хавфсиз энергия блокидан иборат бўлади. Улар Халқаро атом энергияси агентлигининг барча хавфсизлик талабларига жавоб беради. (Uza.uz)

Газетамизнинг 3-саҳифасида таниқли олим Н.САЪДУЛЛАЕВнинг ушбу улкан лойиҳанинг аҳамияти ва афзалликларига бағишланган мақоласини ўқинг.

► Тафсилот



“Сен жаҳон чемпиони бўласан!”

Юсуф ЖЎРАЕВ
“Hurriyat” мухбири

Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўтган “First Saturday GM” халқаро турнирда Жавоҳир Синдоров учунчи грoссмейстерлик талабини бажарди ва 12 ёшида жаҳоннинг энг ёш халқаро грoссмейстери бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг дунёнинг энг ёш грoссмейстерига йўлаган табригида: “Бундай улкан эътироф юртимиз ёшларининг барча соҳаларда, жумладан, ақл-заковат мусобақаси бўлган шахмат бўйича ҳам катта марраларни забт этишга қодир эканини яна бир бор яққол намайен этмоқда.

Айни вақтда бу тарихий вақеа ўзининг буюк илмий кашфиётлари, маънавий-интеллектуал салоҳияти ва тафаккури билан дунёни хайратга солган улуг алло-маларимизнинг муносиб вакиллари юртимиздан етишиб чиқаётганини кўрсатади.

Ишончим комил, сен эришган бу юксак натижа

минг-минглаб ўғил-қизларимизни маррани доимо баланд олиб, ўз кучи, билими ва истеъдодига ишониб, турли соҳаларда катта галабаларни қўлга киритишга интилиб яшашга руҳлантиради”, дейилади.

3

► Депутат минбари

Ахборот оқими ва қўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Замонавий ахборот технологияларининг турмушимизга кириб келиши эса ахборотнинг макон ва чегара танламас куч эканлигини амалда тўлиқ намоён этиб бўлди.

Журналист ҳуқуқлари мустаҳкамланмоқда

Расул КУШЕРБАЕВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сисъати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Яқинда “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга қиритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг моҳиятида ҳам айнан инсон омили, унинг умумэътироф этилган ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш назарда тутилган.

Таъкидлаш ўринлики, ўзгартиришга кўра журналист тушунчасига янги таъриф берилди: “Журналист меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахс” эканлиги белгиланди. Профессонал фаолиятни амалга ошириш максатида ахборотни излаш, сўраш, олиш, таҳрир қилиш ва тайёрлашдан тўлақонли фойдаланиш мақсадида журналистларга қўшимча ҳуқуқлар кафолатланди.

Обуна давом этмоқда



“HURRIYAT”

газетасига 2019 йил учун
обуна давом этмоқда.

Обуна барча алоқа бўлимларида расмийлаштирилади.
Обуна баҳоси бир йилга 266 580 сўм.
Олти ойга 133 290 сўм.

Мурожаат учун телефон: (71) 244-32-88

Нашр индекси: 233

► Уюшма фаолиятидан

Спорт мавзусини ёритишга ихтисослашган журналистларнинг билим ва малакасини, тажрибасини янада ошириш ва уларни янги ижодий парвозлар сари рағбатлантириш, ижодкорлар ўртасида мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ўтказиш, устоз журналистлар, таниқли спортчилар, тажрибали мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этиш каби вазифалар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Спорт журналистикаси кенгашининг асосий фаолият йўналишларидандир.

Кенгаш йиғилиши

Сардор ХЎЖАЕВ

Мазкур кенгашининг пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтган йиғилишида ана шу, шунингдек, спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, жисмоний ва маънавий соғломликни тарғиб қилиш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш, ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш борасида оммавий ахборот воситалари, уларда ишлаётган спорт журналистлари янада фаол бўлиши, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳақимов, Спорт журналистикаси кенгаши раиси Мирзаҳаким Тўхтамирзаев ва бошқалар юртимиздаги ОАВларида спорт мавзусини ёритилишида журналистларимиз томонидан эришилаётган ютуқ ва йўл қўйилаётган камчиликлар ва мавжуд муаммолар-

нинг ечими, бу борада кенгаш олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритди. Оммавий ахборот воситаларида спортни ёритиш савиясини кўтариш, ихтисослашган журналистлар учун шартшароит яратиш ҳамда малака ва тажриба орттиришини фаоллаштиришга қўмаклашиш масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш, оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шартшароитлар ва инфратузилмани яратиш, ўғил-қизларимизнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2

2

Журналист ҳуқуқлари мустаҳкамланмоқда



Журналистик фаолият билан шуғулланишда журналистика соҳасининг сирини сақлашга риоя қилиш борасида мажбуриятлар кўзда тутилган бўлса, ахборот оқими кучайиб бораётган бугунги кун шароитини инобатга олиб, журналистнинг профессионал одоб қоидаларини институту киритилиб, аккредитацияланган журналистнинг ҳуқуқлари ва аккредитациялаш тартибини белгилаш тақдир этилди. Шунингдек, журналистнинг оммавий ахборот воситаларида ахборотни тарқатиш борасида жавобгарликдан озод этилишининг аниқ механизмлари ва мезонлари белгиланди.

Шу ўринда, аввало, қонунда оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмаслиги принципиал қоида сифатида янада мустаҳкамлаб қўйилганлигини келтириб ўтиш жоиз. Журналистика соҳасининг сирини билан боғлиқ жараёнлар бевосита инсон шайни ва ҳаёти дахлсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини инобатга олсак, бу жараён журналистдан нечоғлиқ катта масъулият ва жавобгарлик ҳиссини талаб этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Қонуннинг эски тахририда фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сирини ҳисоблансада, бироқ унда манбанинг ўз номини ошкор этмаслик шарт билан бундай хабарларни бериши мумкинлиги кўзда тутилмаган эди. Шу боис, киритилган янгилликка кўра ахборот манбаи ўз номини ошкор этмаслик шарт билан фактлар журналистика соҳаси сирини ёки ўз ўрнида журналист бу сирини ошкор этмаслиги унинг мажбурияти эканлиги белгилаб қўйилди.

Бу қоида бир томондан журналистик фаолиятни амалга оширишда журналист фаолиятининг кафолатларини кучайтирса, иккинчи томондан ахборот манбанинг ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш ва журналистларга бўлган ишончнинг мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Тан олиб айтиш керакки, журналистлар фаолиятида бугунги кунда айрим ҳолларда нотўғри ахборот тарқатиш, суднинг қарорини қонуний кучга кирмай туриб, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш, айби судда иботланмаган шахсни айбдорга чиқариб қўйиш ҳамда инсон ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш ҳолатлари учраётгани ҳуқуқий-демократик жамиятда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса.

Шу боис, янги киритилган қоидага кўра миллий журналистика соҳасида этика институтининг жорий этилиши инсон шайни ва кадр қиммати дахлсизлигини таъминлаш ва одоб-ахлоқ меъёрларини изга

солиш йўлидаги янги қадам бўлди. Чунки, Бош қомуснинг 27-моддасида "Хар ким ўз шайни ва обрўсига қилинган таъвозулардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга", деб белгилаб қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида инсон кадр қиммати ҳуқуқ билан бир қаторга қўйилади.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай журналист ушбу қоидаларнинг аҳамиятини яхши тушуниши керак. Чунки журналист қачон, қаерда ва нима бўлишидан қатъи назар шахснинг кадр-қиммати ва ҳуқуқини поймол этмаслиги, ушбу олтин қоида унинг бош ҳаётий шioriга айланиши лозим.

Журналистни аккредитация қилиш аниқ вақтда долзарб масала бўлиб, қонунда аккредитацияланган журналистнинг ҳуқуқлари ва аккредитациялаш тартиби аниқлаштирилди. Шу билан бирга, унда журналистнинг оммавий ахборот воситаларида ахборотни тарқатиш борасида жавобгарликдан озод этилишининг аниқ механизми ва мезонлари аниқ эди. Масалан, бу маълумотлар расмий хабарлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ёки расмий статистика ҳисоботларидан, ахборот агентликлари ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари орқали, шунингдек, уларнинг расмий веб-сайтларидан олинган бўлса, журналист жавобгар бўлмайдди.

Таъкидлаш ўринлики, қонунни ишлаб чиқишда профессионал журналистларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари ва етакчи хориж мамлакатларининг қонунчилиги ўрганилган. Хусусан, лойиҳада Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти, Журналистнинг профессионал одоб кодексининг ҳамда Германия, Буюк Британия, Австрия, АКШ, Россия, Латвия, Украина, Беларусь, Қозғоғистон, Озарбойжон каби давлатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилик таъриби инобатга олинди.

Шунингдек, қонун қабул қилингунга қадар миллий ва хорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилиниб, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш registration.gov.uz портали орқали бир қатор тақлиф ва тавсиялар олинган.

Бир сўз билан айтганда, қонунга киритилган янгилликлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, профессионал журналистларнинг эркин фаолияти кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда жамоатчилик олдидаги касбий нуфузини оширишга хизмат қилади.

► Қарор ва ижро

Дунё мамлакатлари товар бозори ва биржа фаолиятида электрон тизимга, яъни онлайн савдога ўтиб улгурди. Эндиликда, тадбиркорлар ҳеч қанча маблағ сарфламай, дунёнинг исталган ҳудудида маҳсулотини реклама қилиш ва сотиш имконига эга, шунингдек, исталган маҳсулотни даллол (брокер)лар аралашувисиз арзонроқ нархда сотиб олиш ва саралаб олиш учун қулай шароит мавжуд.

Гўзал МАЛИКОВА

"Hurriyat" мухбири

Мазкур жараёнда харидорлар ва етказиб берувчиларни фақатгина бир муаммо қийнамоқда, яъни маҳсулотни ўз кўзи билан кўриб, сифатли ё сифатсизлигини аниқлашни иложи бўлмапти.

Ортимизда ҳам бевосита ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни электрон савдо платформаларида жамлаб, кафолатланган олди-сотди хизматларини кўрсатувчи Ўзбекистон Республикаси товар-хомуш биржаси самарали фаолият олиб бораётди. "Харақатлар стратегияси" давлат дастурининг учинчи — "иктисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш" йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларнинг амалиётда татбиқ этилаётгани тузилма фаолиятида исботини топмоқда.


Президентимизнинг товар бозорлари ва биржа фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 17 январдаги "Мамлакат иқтисодийнинг тармоқларини талаб қорғиб бўлган маҳсулот ва хомуш тури билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори натижасида Ўзбекистон Республикаси товар-хомуш биржасида ички ва ташқи бозорга сотилаётган маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажми ошди, тадбиркор-

Рақобат бозорига марҳамат

ларнинг товар ресурсларидан фойдаланиш имконияти сезиларли даражада кенгайиб, сотувчи ва етказиб берувчилар ўртасида соф рақобат кучайди.

Биржа томонидан янги инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани ва соҳага ахборот-коммуникация технологияларининг иштирокида электрон давлат харидлари тизими жараёнда ривожланмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида товар хомуш биржасида 22,4 трлн. сўмлик шартномалар тузилган. Бу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан 2,2 баробар ошганлигини, рўйхатга олинган янги савдо иштирокчиларининг сони 4 баробарга, миқдорларнинг сони 33,5 мингга етганини инобатга олсак, соҳада олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар ўз самарасини бераётганига гувоҳ бўламиз.

Айни кунларда тўртта савдо платформаси, яъни биржа, кўрғазма-ярмарка савдолари, авторакмлар ҳам-



да давлат харидлари платформалари фаолият кўрсатмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур платформаларга талаб ортиб бормоқда. Масалан, онлайн аукцион орқали "avtoqam.uzex.uz" веб-сайтида 75,8 миллиард сўмлик 13 минг икки юзта автомобиль рақамлари сотилганининг ўзиёқ сўзимизнинг исботидир. Албатта, давлат рақами белгиларининг иккинчи ва учинчи тоифаларини рўйхатдан ўтказишда бошланғич нархларининг пасайтирилгани сотув даражасининг кескин ошишига сабаб бўлди.

— Савдода тадбиркорларнинг фаол иштирок этиши биржада товар айланмасининг динамика ўсишига хизмат қилади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган шартномалар ҳажми ўтган йилдаги нисбатан 61 фоизга ўсди, — дейди Республика товар-хомуш биржаси етакчи мутахассиси Мурод Зокиров. — Жумладан, тадбиркорлар биржа орқали 8,4 триллион сўмлик товар ресурсларини харид қилишган бўлса, 3 триллион сўмлик ўзлари ишлаб

чиқарган маҳсулотларни сотишга муваффақ бўлишди.

Давлат харидларининг очиллиги ва шаффофлигини таъминлаш, мазкур жараёнда тадбиркорлар ўртасида соф рақобат муҳитини шакллантиришда "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун қабул қилингани, унга мувофиқ, ЎзРТХБнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали — "xarid.uz" ишга туширилгани йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. 2018 йил 27 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисидаги" қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида эса давлат харидлари бўйича электрон аукцион ўтказиш муддати 10 кундан 5 кунгача, танлов ўтказиши ҳақидаги эълонни жойлаштириш муддати 30 кундан 10 кунгача қисқартирилди.

— Биласизми, "xarid.uz" портали мамлакатимиздаги давлат харидлари бўйича ягона ахборот манбаи ҳисобланади. Портал орқали умумий қиймати 917,6 миллиард сўмлик 309 майдан ортиқ шартнома имзо-

ланди, — дейди Электрон тижорат ва харидларни ташкиллаштириш бўлими мутахассиси Шохсанам Аметова. — Шунингдек, бюджет ва корпоратив бютмчаларининг 161,1 миллиард сўмлик маблағлари иқтисод қилинди.

Айни кунларда хориж мамлакатларидан цемент, кўмир, ёғоч, асбест ҳамда қурилиш ойналари имтиёзли равишда импорт қилинаётган бўлса, мамлакатимиздан полиэтилен, пахта толаси, рангли металл, нефть сингари товарлар хорижга экспорт қилинмоқда.

Айтиш жоизки, ЎзРТХБ халқаро биржалар ва хорижий ҳамкорлар билан алоқаларини кенгайтди. Хусусан, замонавий биржа савдоларини ташкил этиш учун тажриба алмашиш мақсадида Қозғоғистоннинг "ЕСТ", Қирғизистон фонд биржаси ҳамда Беларуссия универсал товар биржаси билан ҳамкорлик битимлари имзоланди. Москва, Санкт-Петербург халқаро товар-хомуш ҳамда Туркия фонд биржаси билан бизнес алоқалари ўрнатилди.

Истиқболда Республика товар-хомуш биржаси олдида электрон тижорат соҳасида хорижий шериклар билан алоқаларни ривожлантириш, миқдорларни электрон савдога кенгроқ жалб этиш, янги биржа хизмат турларини жорий этиш, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш вазифалари турибди.

► Туризм

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги "2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган фестиваллар Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан турли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Эркин ЁДГОРОВ

ЎЗА мухбири

Шарқ гавҳари сайёҳларни чорлайди

Бухорода "Бухоро шаҳри куни" ва "Бухоро хунармандлари куни" фестиваллари бўлиб ўтди

Вилоятда туризмни ривожлантиришда унинг улкан маданий мерос объектлари ва азалдан дунёга машҳур хунармандлик санъати алоҳида аҳамиятга эга. Икки йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу фестиваллар "Ипак ва зирворлар" ҳамда "Қовун сайли" тадбирлари қаторида воҳанинг сайёҳлик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Байрам тантаналари Кўҳна Арк қўрғонидан Лаби ҳовузга туташ Нодир Девонбеги мадрасасига қадар бўлган бир ярим километрлик масофада бошланди. Буюк Ипак йўли марказларидан бўлган Бухоро шаҳрининг ўша даврлардаги манзаралари, олис кентлардан йўл олган қарвонлар кириб келиши гавдалантирилган театрлаштирилган томоша шахарликлар ва меймонларни катта байрам даврасига чорлади.

Очилиш маросимида Бухоро шаҳар ҳокими К.Камолов ва Бухоро шаҳри билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган турли хорижий шахарлар вакиллари ушбу фестиваллар иқтисодий ва туризм соҳасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш-

га хизмат қилишини таъкидлади. Тадбирлар шаҳарнинг тарихий қисми асосий ҳудудларини қамраб олди. Бутун ҳудуд бўйлаб фольклор жамоаларининг чиқишлари воҳанинг ўзига хос урф-одат ва аналарига монанд куй-қўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди.

Бухоро ўзининг гиламчилик, зардўзлик, заргарлик, каштачилик, темирчилик, мис ва ёғоч уймақорлиги мактаблари билан машҳур. Тадбир доирасида жойларда халқ хунармандчилиги маҳсулотлари намойиш этилиши баробарида қизиқувчилар учун усталар томонидан маҳорат дарслари ҳам ўтказилди. Қураш мусобақалари, миллий халқ ўйинлари, дорбозлар, тош кўтарувчилар ўз чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этди.

— Қарийб 100 йил илгари Бухородан ҳозирги Исроил ҳудудида қўчиб кетган ота-онамдан шахрининг тарихи, бу ердаги қадимий меъморий ёдгорликлар ҳақида кўп эшитганман, — дейди тадбир иштирокчиси, Тель-Авив шаҳридан келган сайёҳ Игал Мошаев. — Бухорога саёҳат қилган юртдошларим айтиб берган унинг бугунги ҳаёти,



сакланиб қолган қадриятлари ҳақидаги ҳикоялар мени бу шаҳар билан танишишга ундади. Қаранг, саёҳатим мана шундай фестивалларга тўғри келиб қолибди. Тарихийлик ва замонавийлик уйғунлашган шаҳар мени ҳайратда қолдирди. Миллий руҳ, миллий таваққул гулдастасидан баҳраманд бўлялмиш. Айтганча, мени ва юртдош дўстларимни бу ерда ўтказилган "Бухоронинг шоҳона таоми" кўрик-танлови дастурхонига, паловга тақлиф этишди. Ўзим ажайиб ош бўлибди. Турли зирворлар солинган палов таъмини узоқ вақт унутолмасак керак. Ош ва бошқа миллий таомлар туризмнинг таркибий қисмига кирувчи гастрономик аҳамиятли йўналиш ҳисобланади.

Фестиваль доирасида Бухоро шаҳрининг воҳада туризмни ривожлантиришдаги роли масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Унда Бухоронинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни, ҳудуд миллий меъморчилик санъатининг ўзига хос жиҳатлари, миллий қадриятлар, қадимий шаҳар тарихини ўрганишга илмий ёндашувлар ҳақида сўз юритилди. Айни пайтда туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш, гастрономия, яъни воҳанинг миллий таомлари, у билан боғлиқ этнографик масалаларни ривожлан-

тириш борасида олиб борилаётган ишларга ҳам эътибор қаратилди. Ижодкорларнинг "Бухоро менинг қаламимда" шеър ва мақолалар танлови, Бухоро шаҳри таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган иншоолар танлови, "Бухоро — очик осмон остидаги музей" шiori остида ташкил этилган расмлар кўрғазмаси, "Бухоро — Шарқ гавҳари" шiori остидаги фото ва видеороликлар танлови айни ана шу мақсадга хизмат қилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида Бухорога 230 мингдан зиёд хорижлик сайёҳ келди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 баробар кўпдир. Туризм соҳаси индустриясини тармоқлари ва хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтгани ана шундай ютуқларда муҳим омил бўлмоқда. Вилоятда ибрат бўлаётган соҳа субъектлари талайгина.

"Энг яхши меҳмонхона" танловида "Рангрэз" ва "Энг яхши туристик ташкилот" танловида "Анор Травел" сайёҳлик фирмалари голиб сифатида тақдирланди. Байрам доирасида бошқа кўпلىк тадбирлар ҳам ўтказилди. Фестиваллар она юрт, тинчлик, дўстлик ва эзгуликни тараннум этувчи катта концерт дастури билан аяқланди.

Тадбирнинг ёпилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев сўзга чиқди.




Иқтисодий тараққиёт, янги sanoat қувватларининг ишга туширилиши, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши кўп омилларга, моддий ресурслар, жумладан, электр энергиясининг барқарор таъминотиغا боғлиқ.

Насулло САЪДУЛЛАЕВ

Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор

Шунинг учун мамлакатимизда энергетиканинг мазкур соҳаси раванга, иссиқлик ва гидроэлектр станцияларини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш керак.



Мамлакатимиз энергетика соҳасидаги янги давр

Мазкур станциялар томонидан 2017 йилда мамлакатимизда истеъмолчиларга 61,3 миллиард киловатт-соат электр энергияси етказиб берилган. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан анча юқори. Лекин қайд этиш керак, ҳали-ҳамон энергетика таъминотида муаммолар етарли. Бунинг устига, электр энергиясига эҳтиёж йилдан-йилга ортмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш бўйича белгиланган юқори марра ва режалар 2030 йилга бориб электр энергиясига бўлган эҳтиёж 105 миллиард киловатт-соатни ташкил этишини кўрсатмоқда. Бу эса реконструкция ва модернизация лойиҳалари ҳисобига соҳа қувватини янада оширишни тақозо қилади. Ушбу масалани техникавий янгилаш йўли билан ҳал этиш мумкин. Лекин танганиннг иккинчи томони ҳам бор.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг қарийб 87 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳисобига тўғри келмоқда. Бунда ёқилғи сифатида асосан табиий газдан фойдаланилади. Мазкур ресурс бизда етарли бўлса муаммо нимада, дейдиганлар топилмайди. Муаммо шундаки, табиий газ ёқилганда, ҳавога анча миқдорда зарарли газ чиқиб кетади. Демак, атоф-муҳит маълум миқдорда зарар кўради.

Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, Ўзбекистон 1 доллар қийматдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда ҳавога зарарли газ чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Қўриб турибсизки, масала жиддий.

Албатта, ушбу муаммо ечимида халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мўҳим омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига кўра, шу йўл билан йилга 23 миллион тонна шартли ёқилғини тежаса бўлар экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳар йили атоф-муҳитга чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини 40 тоннага камайтириш имконини беради.

Аммо, фақат энергия тежамкорлиги орқали қўйилган мақсадларга эришиб бўлмайди. Демак, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича ноанъанавий кескин чоралар кўриш лозим. Атоф-муҳитга кам таъсир кўрсатадиган, истеъмол қувватини кескин оширадиган ва хавфсиз энергия манбаларини ишга тушириш ҳисобига юқоридаги муаммо-

ларни ҳал этиш мумкин. Хуллас, жаҳон амалиётида қўлланилаётган атом энергетикасидан фойдаланиш Ўзбекистон учун ҳам маъқул ва асосий йўл ҳисобланади.

Атом электр станциялари глобал энергетика соҳасининг энг мўҳим кичик сектори бўлиб, неча ўн йиллардан буён электр энергия ишлаб чиқаришда мўҳим ўрин тутиб келмоқда. Мазкур станцияларнинг бошқа анъанавий турдошларидан маҳсулот нархи арзонлиги, экологик тоза, истеъмолчиға етказиб бериш харажатлари нисбатан пастлиги, фойдали иш коэффициенти юқорилиги ва атоф-муҳитга ҳеч қандай зарарли газларни чиқармаслиги билан мутлақо афзалдир.

Жаҳонда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг тахминан 17 фоизи атом электр станцияларига тўғри келади. У ҳомашё манбалари ҳисобланган кўмир ва гидроэнергетикадан кейин учинчи ўринда туради.

Франция дунёдаги атом энергиясининг қарийб 75 фоизини ишлаб чиқарувчи 58 та ядровий реакторга эга. Шунингдек, АКШ, Россия, Япония каби жаҳоннинг 31 мамлакатида АЭСлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий йиллик қуввати 370 ГВтга тенг.

Ядро энергиясини жадал ривожлантириш глобал иқлимга қарши курашиш воситаларидан бири сифатида қаралиши мумкин. Мисол учун, Европада атом электр станциялари йилга қарийб 700 миллион тонна карбонат ангидрид газининг атмосферага чиқариб юборилиши олдини олади. Россиядаги атом электр станцияларининг ундаги улуши 210 миллион тоннани ташкил этади.

Уран — АЭСлар учун асосий ёқилғи. Мамлакатимизнинг бу ерости бойлиги бўйича салоҳияти ва захираси катта. Қазиб олинган уран Япония ва Европа давлатларига экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард киловатт-соатни (2017 йил ҳисобида) ташкил этади. Бу қувватнинг қарийб 87 фоизи табиий газ ва кўмирни ёқиш орқали, қолган 13 фоизи гидроэлектр станциялари ва бошқа энергия манбаларида ишлаб чиқарилади. Бунинг учун йилга 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади. Келгусида иқтисодиёт ёқилғи, аҳоли сони ва турмуш даражаси ошиши эвазига электр

энергиясига бўлган талаб янада ортади.

Аммо уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ерости қазилмалари, яъни углеводородли ёқилғи турлари чекланган. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 10 июль кўни мамлакатимизда атом электр энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йилгида «...Бу соҳада фақат табиий газ ва кўмирдан фойдаланишни давом эттириверсак, уларнинг мавжуд захираси маълум вақтдан кейин тугаб қолиши мумкин. Бу эса келажак авлод олдида кечириб бўлмайдиган хато ва жиноят бўлади», деб таъкидлади.

Бинобарин, мамлакатимизда тинч мақсадларда фойдаланиш учун атом энергетикасини барпо этишга киришилмоқда. Россиянинг «Росатом» давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом электр станциясини қуриш бўйича келишувга эришилди. Мазкур комплекс 2 та энергоблокдан иборат бўлиб, ҳар бир реакторнинг қуввати 1,2 Гигаватт(ГВт)га тенг.

Бу атом электр станцияси учун дунёдаги энг хавфсиз ва замонавий энергоблок танлаб олинган. Уни Навоий ва Бухоро вилоятлари чегарасида, аниқроғи, Тўдакўл сув омборидан унча олис бўлмаган ҳудудда қуриш тақлифи беририлган. Бу ноёб лойиҳани 2028 йилгача тўлиқ амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Мазкур атом электр станцияси барпо этилиши натижасида йилга 3,7 миллиард куб метр табиий газ тежаб қолинади. Бу манба, яъни ҳомашё қайта ишланади. Ундан юқори қўшилган қийматли нефть-кимё маҳсулотлари олиниши эса иқтисодиётимизга фойда келтиради.

АЭС экологик тоза анъанавий электр станцияси ҳисобланади. У зарарли ис газини ҳосил қилмайди. Натижада табиий газни ёқишдан ҳосил бўладиган ва атоф-муҳитга тарқалиши мумкин бўлган карбонат ангидрид ҳажми йилга 3 миллион тоннага камаяди.

Мамлакатимизда атом энергиясидан фойдаланиш бўйича имкониятлар етарли. Ушбу соҳада Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти ўз тадқиқотлари билан жаҳонга танилган илмий муассаса ҳисобланади. Бу юртимизда уран ҳомашёсидан фойдаланиш, атом энергетикаси салоҳи-

яти ишга солинишида мўҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли ва мамлакат иқтисодиётининг электр энергиясига ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Атом энергетикасини ривожлантириш мақсадида «Ўзатом» агентлиги ташкил этилди. У атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегия йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи сифатида белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, ушбу агентликка sanoat ва экология хавфсизлигининг халқаро талабларига жавоб берадиган замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этган ҳолда, атом энергетикаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича битимлар ва шартномалар тузиш вазифалари юклатилди. Мазкур ташкилот атом фани ва ядро технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни, фундаментал тадқиқотлар, илмий-қидирув, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишлар лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш каби мўҳим масалалар билан ҳам шуғулланади.

Таъкидлаш жоиз, барпо этиладиган АЭС қурилиши, кейинчалик уни самарали ишлатиш юксак малакали кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Ҳозирги пайтда бу йўналишда хориждаги ва пойтахтимиздаги техника олий ўқув юртларида ишлар бошланган.

Бизнинг институтимизда кўп йиллардан буён электр энергетикаси мутахассислиги бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаётган алоҳида кафедра фаолият кўрсатмоқда. Келажакда кадрлар масаласида институтимиз атом электр станцияси билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Мамлакатимизда, жумладан, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам яқин истиқболда sanoatнинг янада жадал ривожланиши, истеъмол даражасининг ошиши электр энергиясига бўлган эҳтиёжини етарли ва сифатли қондиришни, яъни барқарор таъминотни тақозо этади. Юртимизда қуриладиган атом электр станцияси бу мўҳим масалада барча муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшади.

Ўзбекистон атом энергиясидан фойдаланувчи давлатлар ўртасида ўзига муносиб ўринга эга бўлиши, шубҳасиз. (ЎЗА)

Муаммо ва ечим

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ташкилот томонидан қабул қилинган конвенциялар ратификация қилинди.

Айбдор жазосини олди

Мамлакатимизда ХМТ Конвенцияларини ҳаётга татбиқ этишга доир миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, меҳнат қонунчилигини ва меҳнат бозорини ривожлантиришга, ижтимоий муҳофазани ҳамда аҳоли дастури амалиётга татбиқ этилган. ХМТ экспертларининг бевосита иштирокида кишлоқ ҳўжалигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш мониторинги олиб борилаётгани мақтабларда ўқувчиларнинг узлуқсиз билим олишини таъминлайди.

Қарорда белгиланган чора-тадбирларга қарамай, айрим ўқув муассасалари, ҳўжалик юритиш корхоналарида ижро тўлиқ таъминланмаётгани кузатилаётганда. Тошкент шаҳри Олмазор тумани адлия бўлими катта маслаҳатчиси Хуршида Ибрагимованинг маълумот беришича, адлия бўлими томонидан ўтказилган текширув натижасига кўра, Тошкент молия институти қошидаги 2-сонли академик лицей раҳбарияти, жорий йилнинг август ойида, ўқишдан ҳайдаш таъйинини ўтказиб 1-босқув ўқувчиларини, ёзги таътил даврига қарамай, уйлари-

дан қақриб олган ва лицей ҳудудидаги шох-шаба ва қурилиш чиқиндиларини йиғиш-тўплаш ишларига мажбуран жалб этган. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли чора кўрилиб, айбдорлар маъмурий ишларига мажбуран жалб қилинган мажбурият тортилган.

Республикамизда болалар меҳнатидан фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик учун парламент назорати институти фаолияти йўлга қўйилди, норматив-ҳўқуқий база шакллантирилди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш, бюджет ташкилотлари ходимларини мажбурий ишларга бевосита ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чораси кўриш қатъий белгиланган бўлса-да, 2018 йилнинг август ойида «Ўзбекэнерго» АЖ Марказий магистрал электр тармоқлари Келес «подстанция»си корхона раҳбари в.в.б. Собитходжа Айходжаев корхонанинг тўққиз нафар ходимини ҳудудларни тозалаш ишларига мажбуран жалб этгани маълум бўлди. С.Айходжаевга нисбатан ҳам маъмурий жазо қўлланилди.

Афсуски, баъзи мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш ҳолатлари ҳали ҳам кузатилаётган.

Олов улардан қўрқади

Тадбир

Ички ишлар вазирлигида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, қўмита, агентлик ҳамда олий ўқув юртлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида давлат ёнғин хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 23 майда қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтининг ҳўқуқий макомини оширишда, ўқув жараёнини тубдан ислоҳ қилиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашда мўҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлашди.

Институт кафедра бошлиғи, подполковник Равшанбек Юсупов таълим муассасаси фаолияти ҳақида гапирар экан, куйидаги маълумотларни келтириб ўтди: — Профессор-ўқитувчилар таркибида икки академик, беш фан доктори ва йигирмага яқин фан номзоди фаолият юритмоқда. Улар томонидан икки юз эллидан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари, монография ва тавсияномалар ишлаб чиқилди ҳамда амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, ўттиздан ортиқ ихтирога патент олинган.

Йигирма беш йиллик фаолияти мобайнида институтимизда 7500 нафардан зиёд малакали мутахассис тайёрланди. Улар ўзининг мустақам ирода ва жасорати, мардлик намунасини амалда намойён этиб, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ёнғиндан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Ҳамкасбларимиз билан биргаликда ёнғин натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олдини олиш мақсадида жойларда давлат органлари мутасадди ходимлари иштирокида сайёр ўқув машғуллари ўтказилмоқда. Тадбирда ушбу таълим муассасасида ўз бурчига садоқат билан хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони, Фахрий ёрлиғи, рағбатлантириш тартиқсида муддатидан олдин махсус унвонлар берилди ҳамда есдалик совғалари топширилди.



Юртимиз спортчиларининг нуфузли халқаро мусобақаларда, Олимпиада ва Осие ўйинлари, Жаҳон ва қитъа биринчиликларида юқори натижаларга эришаётгани, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос мухташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани эътиборга молик. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 мартда имзолан-

ган «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янада жонлантириш, янги босқичга олиб чиқишда мўҳим дастуруламал бўлмоқда. Йилгида ЎзМТРК «Спорт» телеканали директори Зоҳид Каримов ва «Чемпионат-Азия» веб-сайти раҳбари Нодирхўжа Йўлдошевнинг «Телевидениеда спортнинг ёритилиши: муаммо ва ечимлар», «Интернетда спорт янгиликлари: тезкорлик ва аниқлик»

га 11 талаба қабул қилинди. Яқин келажакда тахиррият ва муҳарририятлари миз махсус тайёрликка эга малакали, ихтисослашган кадрларга эга бўла бошлайдилар.

Қашқадарёлик Аббор Жўрақулов ушбу олий таълим муассасасида спорт журналистикаси йўналиши бўйича таълим олмоқда.

— Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбир биз, талабаларга ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, — дейди А.Жўрақулов. — Тадбир баҳона таниқли ва тажриба-ли спорт журналистлари билан учрашиш, суҳбатла-

шиш, фикр алмашиш имконига, соҳага оид қўллаб қизик маълумотларга эга бўлди.

Йилгида оммавий ахборот воситаларида спорт мавзусининг ёритилишини аниқ мисоллар асосида таҳлил қилиш, кенгашнинг 2019 йилги иш режасини шакллантириш, кейинги йилда спорт атамалари лугатини яратиш, тажрибали спорт журналистларининг маҳорат сабоқларини уюштириш, спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш каби масалаларга эътиборни янада кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.



TIL VA ADABIYOT TA'LIMI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGINING ILMIY-METODIK JURNALI

ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРЫ LANGUAGE AND LITERATURE

Газетамиз меҳмони

Танишинг: Журнал бош муҳаррири: халқ таълими аълочиси, журналист Баҳодир ЖОВЛИЕВ. Журналнинг ташкил этилиш санаси: 1958 январдан "Руский язык в узбекской школе" номида чоп этила бошлаган.

Журналда педагогика фанлари доктори, профессор Р.Толипова, А.Долимов, В.Мирочник, филология фанлари доктори, профессор Н.Махмудов, М.Жураев, Ж.Йулдошев, У.Норматов каби олимлар қалам тебратган.

Манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй. Интернет ва ижтимоий тармоқларда: журналнинг электрон шаклини www.tilvaadabiyot.uz веб сайтида ўқиш мумкин.

Шiori: тил — дил таржимони! Вазифаси: узлуksиз таълим тизимида давлат тилини ўқитиш, рус ва хорижий тилларни ўрганиш, ёш авлодни ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари билан таништириш ҳамда таълим жараёнидаги муаммолар, уларнинг ечимларига доир янгиликларни амалиётчи педагоглар, ёш илмий тадқиқотчиларга етказиш.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви — давлатимизнинг тарихий ютуғидир. Айни икки муҳим тарихий сана муносабати билан атоқли тилшунос, маънавий-ятимизнинг толмас тарғиботчиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, профессор Низомиддин МАХМУДОВ билан суҳбатда бўлдиқ ҳамда устознинг кейинги йилларда республика маънавий ҳаётига юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ўзбек тилшунослиги ҳамда она тили таълимининг долзарб масалалари хусусидаги мулоҳазалари билан қизиқдик.

Ўзбекнинг бебаҳо бойлиги

— Устоз, Мустақиллик байрами арафасида "Дўстлик" ордени билан мукофотландигиз. Шу муносабат билан Сизни тахририят номидан кутлаймиш! Илмий-ижодий фаолиятингиз бардавом ва самарали бўлсин!

— Ташаккур! Бу, албатта, фақат менгагина эмас, балки бизнинг институтимиз фаолиятига ҳам кўрсатилган улкан эътиборнинг шаҳодатидир.

Бизнинг аждодаларимиз қадимул айёмдан илмининг инсон ва жамият қамолотидаги ўрнини яхши билганлар ва илм аҳлининг мартабасини юксак баҳолаганлар. Шунинг учун ҳам не-не буюк алломаларимизнинг ақл машъали билан бўлган бетимсол асарлари жаҳон ақл хазинасини мунаввар этиб келмоқда.

Японларда: "Авал мияни тўйдириш керак, тўқ мия оч қоринни ўзи тўйдириб олаверади", деган ҳикमत бор. Албатта, миянинг бирламчи озиги илмдир, илм эса теран тафаккурнинг, ойдан ақлнинг, тиниқ руҳониятнинг фаол ҳаракатидан бунёд бўлади. Давлатимиз раҳбари бот-бот таъкидлаётганидай, мамлакат ва жамиятнинг узлуksиз ва тадрижий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириш бўлмайд.

— Устоз, ҳар йили юртимизда 21 октябрь ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун, она тилимизнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаган Қонун қабул қилинган сана сифатида тантанга қилинади. Келинг, суҳбатимизни мазкур тарихий ҳужжатнинг қабул қилиниши, унинг аҳамияти борасидаги фикрларингиз билан давом эттирсак.

Оламни бебаган илм

Олам ҳақидаги билимларнинг ибтидоси — она тили. Барча илмлар аввали алифбодир. Она алласидан қалбига синган ва идрокида айланаётган олам синоатини тадқиқ этиб, ўзлигини англашга интилган борки, маънавиятга, билимга эҳтиёж сезади.

Шу маънода "Til va adabiyot ta'limi" — "Преподавание языка и литературы" — "Language and literature teaching" номили ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги илмий-методик журнал ўз она тили каторида дунё илмлари ҳамда миллий ва жаҳон адабиёти орқали оламни, инсонни англамоққа аҳд қилган ўқувчиларни оҳанрабодек ўзига тортиб келмоқда.

Нашрнинг "Til va adabiyot ta'limi" ҳамда "Преподавание языка и литературы" номидаги илк сонлари 1991 йил май ойидан чиқа бошлаган. Унга қадар эса 1958 йилдан "Русский язык в узбекской школе" номида чоп этиб келинган. Бугунги кунда нашр ўзининг дизайни, мазмун-мундарижаси рангбаранглиги ва ўз навбатида, фақат тил ва адабиёт таълимига ихтисослашгани билан республика нашрлари орасида ўз ўқувчиси ва нуфузига эга. Журнал республика миёдаги етакчи илмий

нашр сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг Филология ва Педагогика фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабдорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари эълон қилинадиган нашрлар рўйхатига киритилган. Шу боис журналда тил ва адабиёт ҳамда педагогика соҳасидаги янгидан-янги илмий тадқиқотларга доир долзарб мақолалар билан танишиб бориш имкони мавжуд. Шунингдек, нашр маҳоратли муаллимларнинг методик, адабий, илмий мавзулардаги мақолалари, таълимдаги ечимини кутаётган муаммоларга доир фикр-мулоҳазалари минбарига ҳам айланиб улгурган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг ҳали эълон қилинмаган «Кундалиқда қолган битиклар» илк бор нашр этилмоқда. Мазкур битиклар ёзувчининг турмуш ўртоғи, адиба Маъсума Аҳмедова томонидан тайёрланган.



Кўнглини китобга солган ёзувчи

Тошкентда яшаётганимдан буён илк мартаба ўзим ҳақимда ўйладим: "Мен ўзи Тошкентда нима қилиб юрибман? Сурхонда тайёр уй, боғларимни ташлаб, ота-онам, уруғ-аймоғларимни ташлаб, нега Тошкентда дайдиб юрибман? Ёзувчи бўлмоқчимидим? Қани ёзувчи бўлганим? Беш-олтита ҳикоями? Бу ҳикоялар ёзувчи бўлди, деган гап эмас. Бу ҳикоялар шунчаки машқлар. Йўқ, ким эканлигимни, ким бўлмоқчи эканлигимни бир кўрсатиб қўйишим керак.

Мен музейни томоша қилмишдай "Ойдинда юрган одамлар"ни томоша қилдим. Мен Рембрандт картиналарини томоша қилмишдай "Ойдинда юрган одамлар"ни томоша қилдим. "Ҳаёт бор экан, "Ойдинда юрган одамлар" ҳам бўлади, — дея яшнадим. — Ўзбек халқи ҳаёт экан, "Ойдинда юрган одамлар" ҳам ҳаётдир."



ТАХРИРИЯТ.

Ўқитувчи нима дейди?

Педагогик технологиялар:

дарс мақсадга эриштирадиган ягона йўлми?

Моҳир педагог сифатида танилган аънавий танловларда қатнашган ўқитувчиларнинг дарсларида ҳам учраб турадиган камчиликлар ҳақида мулоҳаза юритиб, ўқитувчи, энг биринчи навбатда, мавзудан келиб чиққан ҳолда, вақт тақсимотини ишлаб чиқиши, қўйилган мақсадга эришиш учун педагогик метод ва технологияларни тўғри танлай олиши ниятда зарур эканлигига амин бўламиз.

Дарс жараёнидаги типик хатолардан бири ўқитувчи кўпроқ ташкилий қисмга эътибор беради-да, дарснинг бошқа босқичлари вақтини ўзи билмаган ҳолда қисқартиради.

Дилдор НУРМУҲАММЕДОВА, Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги 9-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Китобга қизиқиш тавсияга боғлиқ

Мақтабимиздаги "Эуқко китобхон" клуби аъзолари йиғилишиб, янги китоблар, газета-журналлардаги янгиликлар ҳақида ўзаро фикр алмашиб тураемиз. Мен ўқувчиларимга дунёдаги кутубхоналар ҳақида гапириб берганимда улар катта қизиқиш билан тинглаб, пойтахтимиздаги кутубхоналарга бориш истагини билдиришди. Дастлаб улар билан кутубхоналарга, кейин китоб дўконларига бордик. "Шарқ зиёкори", "Китоб олами" каби дўконлардан ўқувчилар катта қувонч билан қайтишди.

Манзура РАСУЛОВА, Тошкент шаҳридаги 121-мактаб ўқитувчиси

Билим ва маънавият устун

Дарсларимда содда гаплар иштираётган кўшиқларни ўқувчилар билан бирга қуйлаш орқали хорижий тилни ўргатиш кўпроқ самара беришининг исботини кўрдим. Бу усулдан фойдаланиш, айниқса, тил ўрганишининг дастлабки босқичларида самарали экан.

Дилфуза ЭШПҲАТОВА, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидаги, 20-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Эркинжон ОДИЛОВ суҳбатлашди.

Истеъдодлар бир-бирига соя солиб қўймаслик учун ёлғизликда улғаядилар, довруғ соладилар.

Дунё... Ҳаёт гўзал эмас... Гўзал бўлганида эди, адабиёт бўлмас эди.

Аҳду паймонларим қош-у киприklarим орасига битилган.

Лев Толстойнинг тўнғич қизи ўзга бир юртда яшар эди. Бир куни у ана шу қизи келганида унга ўз орзу-ҳавасини айтди. Тўнғич қизи Татьяна юртга бориб яшаш истагини билдиради. Қизи ҳайрон бўлиб сўрайди.

Лев Толстой ўз кўнглига тугиб юрган хоҳиш-истагини айтди: — Янсяна Полянада мени ҳамма танийди. Мени ҳеч ким билмаса, ҳеч ким танимаса... Кўчаларда ўзимча боқибегам бўлиб, дайдиб юрсам... Кўрганлар мендан жирканса, гадоий мисол бўлиб юрсам. Кўчаларда елкамга тўрва-халта осиб юрсам. Оқшомлари деҳқонларнинг остонасига бориб, хайр-садақа сўрасам...

Инсон ҳаёти учун энг даҳшатли, энг совуқ қурол — пистолетми? Йўқ, инсон учун энг даҳшатли қурол — мия. Мия — энг совуқ қурол. Кимда ана шу совуқ қурол зўр ишласа — ана ўша одам энг кучли, қудратли, даҳшатли шахс ҳисобланади.

Ёмон китоб — ҳамшира адабий жиноят, ижтимоий жиноят, ҳамшира уйдирма саналган. Манделштамнинг шундай гапи бор.

Ёзувчи ўз халқи учун асар яратмоғи лозим. Бу ҳақда В.Хлебников мана шундай дейди: "Ижод сирларидан бири — ёзувчи қайси халқ учун асар яратяпти, ана шу халқ унинг кўз ўнгига туриши лозим, сўзи билан ана шу халқ туйғуларига йўл топиши лозим".

Робиндранат Тагор шундай дейди: "Ҳақиқатнинг ўзидек қилиб ёзилган нарса адабиёт эмас". Яна дейдики: "Сўзининг кучи етмаган бери сурат ифодалади".

Наполеон Бонапарт — фавкуллода, бир лаҳзада вазиятни тўғри баҳолай олган ва ягона тўғри қарорни қабул қила олган одам. Тактички?

Ижод сир — ёшлиқни сақлаб қолишда. Буюклик сир — болаликни сақлаб қолишда. Болалик интуицияси, сезги-ҳиссиёти алдамайди, ижодкорга умри давомида оламни объектив идрок этиши учун замин бўлади, маёқ бўлади.

Материаллар тўлиқ матни билан "Til va adabiyot ta'limi" журнали саҳифаларида танишингиз мумкин.

Худудий нашрлар

Оммавий ахборот воситалари ҳамisha жамият ҳаётининг кўзгуси, кишилар онги, дунёқарши шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар, юз бераётган ўзгаришлар оммавий ахборот воситаларининг ҳам нуфузини, ўрни ва аҳамиятини янада кўтарди, уларнинг том маънода тўртинчи ҳокимиятга айланишига замин яратди. Бунда босма нашрларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Аҳмад ЮСУПОВ
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги етакчи мутахассиси



Алоҳида ўрни бор

Босма нашрларнинг аҳволини қандай яхшилаш мумкин?

Замонавий ахборот коммуникациялари, айниқса, интернетнинг жадал ривожланиши босма нашрларнинг тақдирига соя ташлагани, интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар газета ҳамда журналларда берилаётган материалларга эҳтиёж қолдирмаётгани ҳақидаги гап-сўзлар тез-тез қулқоққа чалинади. Бир пайтлар телевидение ва кино пайдо бўлганида, радио ва театрнинг инқирозига юз тутуши башорат қилинган каби интернетнинг пайдо бўлиши газета ва журналларнинг эртанги куни боши берк кўчага кириб қолиши ҳақидаги фикрлар айтилмоқда. Аммо босма нашрларнинг бугунги кундаги муаммоси аслида бошқа омилларга боғлиқ экани, улар бундан кейин ҳам яшаб қолиши учун замон талаблари асосида фаолият юритиши талаб этилаётгани бор гап.

Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида икки ой мобайнида барча худудларда ўтказилган семинар-тренингларда ана шу масалалар атрофида муҳокама этилди. Соҳанинг етакчи мутахассислари билан биргаликда худудий газета-журналлар фаолиятини яхшилаш борасида так-

лифлар, тавсиялар берилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 1,6 мингдан ортиқ оммавий ахборот воситасининг аксарияти — нодавлат оммавий ахборот воситалари. Улар орасида босма нашрларнинг сони 500дан ошадди. Бу — ана шунча газета ва журнал, энг муҳим, янгилик, ахборот ва тахлилий мақолаларни халқимиз қўлига ҳавола этиб келмоқда, дегани. Бугунги кейноқ медиамаконда кечяётган кескин рақобат шароитида улар қандай қилиб ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиши мумкин?

— Дунё таърибасига кўра, энг қизиқарли ОАВ — худудий нашрлар ва маҳаллий телеканаллар ҳисобланади. Чунки одамлар учун ўз худудида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан қизиқроқ янгилик йўқ, — дейди семинарларда маъруза қилган **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси Беруний Алимов**. — Худудлардаги журналистларимиз ҳам айнан шу жиҳатни эътиборга олишлари, ўз худудида рўй бераётган қизиқарли воқеа-ҳодисаларни тезкорлик билан ёритиш орқалигина обуначилари сонини кўпайтиришлари мумкин. «Лос Анжелес таймс» газетасини кўп йиллар давоми-

да бошқарган Остин Бутнернинг «худудий нашрлар бундан кейин ҳам яшаб қолиши мумкин, лекин улар бугунги ўқувчига зарур материалларни чоп этишлари шарт», деган фикрлари бежиз эмас. Худудий газеталаргина шаҳар, туман ҳаёти, маданияти ва спортга доир янгиликларни тезкор ёрита оладилар. Шунинг учун улар жамият учун жуда зарур ва муҳимдир. Бироқ энди газеталар қайсидир давлат ташкилотидан наҳот кутиб, «эски ҳаммом, эски тўб» қабилида ишлаб олмайди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтира олган наشرга обуна бўладилар. Шундай экан, фақат яхши, сифатли газета ва журналлар эртанги кундан умид қилишлари мумкин.

Семинар-тренингларда экспертлар оммавий ахборот воситалари мазмун-моҳиятини бойитиш масаласини ҳал этиш билан бирга, нашрлар дизайни, адади ва уларни тарқатиш билан боғлиқ техник вазифалар ҳақида ҳам маълумот бердилар. Шунингдек, кадрлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

— Худудий газеталардаги асосий муаммолардан бири — кадрлар масаласи билан боғлиқ. Газеталарда маҳорат мактаблари йўқ, Тошкентда ўқиган журналистлар эса ви-

лоятга қайтишни иштамаяпти, — дейди **«Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Сафар Омонкулов**. — Бу ерда асосий масала маошлар билан боғлиқ эканини ҳам яширишга ҳоҳат йўқ. Чунки қўллаб-қувватланган бўлса, газеталарнинг веб-сайтлари имкониятидан самарали фойдаланиш борасида тавсиялар билдирилди. Чунки, айниқса, худудий босма нашрлар интернет имкониятларидан етарлича фойдалана олмаётгани. Масалан, Андижон вилоятидаги нашрларнинг атиги бештаси ўз веб-сайтига эга бўлса, Тошкент вилоятидаги нашрларнинг ярмидан кўпи ҳали ҳамон сайт яратмаган. Ваҳоланки, босма нашрларни тарғиб этишда веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқлар чексиз имкониятга эга.

— Айни пайтда миллий медиамаконда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири бу шубҳасиз — худудий босма нашрларнинг келгусидаги фаолиятини қай йўсинда ташкил қилиш масаласидир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жуда катта босим билан кечяётган ҳозирги ахборот алмашинуви жараёнида ҳар бир оммавий ахборот воситаси, шунингдек, босма нашр ўз ўрнини сақлаб қолишга интиляпти. Аммо бугунги ахборот рақобати муҳитида бу осон иш эмас, — дейди **ЎзДЖТУ халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, доцент Назира Тошпўлатова**. — Икки ой давомида биз республикамизнинг барча вило-

ятларида бўлиб, худудий босма нашрлар фаолияти билан яқиндан танишиб, мавжуд ҳолатни реал ўргандик. Таҳлилларимиз шунга кўрсатдики, барча худудларга тааллуқли муассис ва тахририят ўртасидаги, тахририят билан тарқатувчи ўртасидаги ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда, шунингдек, обуна масаласи, моддий-техник таъминот, кадрлар масаласи, газета дизайни, шакл-мазмун, маҳорат масалалари билан боғлиқ умумий муаммолар бор.

Вилоятлардаги аҳволни жуда ёмон ёки жуда яхши деб айтиш қийин. Чунки туман ва шаҳар газеталарининг аҳволи жуда оғир, унга муассиснинг кўмаги керак, деган талаб қатъий қўйилаётган бир пайтда, айрим газеталар ўзларини иқтисодий томондан ўнглаб фойда кўраётгани, бу муаммо юзасидан шу пайтга қадар бўлган стереотипларни парчалаб ташлаб, муассисларнинг обунани ташкил этиб бериши ёки иқтисодий қўллаб-қувватлаши билан муаммо ҳал бўлиб қолмаслигини кўрсатади. Масалан, Навоий вилояти Қизилтепа туманининг «Қизилтепа тонги» газетаси салкам ўн икки минг тиражда чоп этилаётгани, унда тўқсонга яқин ходим борлиги тарафидан фойдаланиш бўлди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Демак, гап фақат муаммонинг ўзида эмас, балки унинг ечимини тўғри топишда. Бунинг учун ҳар бир муҳаррир фаолияти ва вазифасини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиши керак. Унда ижодий жараён билан билан бир қаторда, иқтисодий ва ташкилий-техник бошқарува ҳам кўпроқ эътибор қаратиш, ишлаб чиқараётган ахборот маҳсулотининг сифати ва ҳажмининг орттириш орқали даромад олиш йўллари ва технологиялардан хабардор бўлиши даврининг ўзи тақозо этмоқда. Буни ундаётганлар эса, фойда кўраётганга гувоҳ бўлди. Умуман, семинар жараёнида ҳаммасларимизга берган янги манба ва маълумотларга уларда ҳам қизиқиш катта эканлигига амин бўлдик.

Семинарда муҳокамалар марказида бўлган мавзулардан яна бири — оммавий ах-

борот воситаларида йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга доир тавсиялар бўлди. Афсуски, айрим нашрларда ўта кўпол хатоларга йўл қўйиш ҳолатлари учрамоқда. Матбуот ва ахборот агентлиги ўтказган мониторинг натижаларига кўра, ОАВда бугунги кунда энг кўп — ҳужжатларнинг номланишини нотўғри ёзиш, имловий ва услубий хатолар кўзга ташланмоқда.

— Айрим оммавий ахборот воситалари ўз ишига нисбатан совуқонлик билан ёндашаётгани, «ким ҳам кўриб ўтирибди» деган саёз фикр билан хатоларга лоқайд муносабатда бўлаётгани кишини ажаблантиради, — дейди **Матбуот ва ахборот агентлиги бош мутахассиси Муҳиддин Омон**. — Аслида чоп этилган ҳар бир материал, эфирга узатилган ҳар бир эшиттириш ва кўрсатув тегининг тартибда мониторинг қилиб борилади. Чунки ОАВ — аҳоли саводхонлигида муҳим роль ўйнайди. Унга эътибор билан ёндашиш, ҳар бир журналистик материалнинг, у ҳоҳ кўрсатув бўлсин, ҳоҳ мақола, пухта ва пишик тайёрланишига эришиш лозим. Ана шундагина газеталар оммабоплиги ошади, ўқувчилар меҳрини қозонади, томошабин ва тингловчилар хурматида сазовор бўлади.

Бир сўз билан айтганда, худудлар бўйлаб ўтказилган семинар-тренинг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Айниқса, газета ва журналларда фаолият юритаётган журналистлар янги билим ва кўникмаларга эга бўлишганини алоҳида эътироф этдилар. Келгусида бу каби ўқув-семинарлар, маҳорат сабоқларини ташкил этиш худудлардаги журналистлар учун гоё зарур экани қайд этилди.

— Очик мулоқот тарзида ўтказилган ўқув-семинар барчамиз учун фойдали бўлди, — дейди **«Коровубоз тонги» туман газетаси муҳаррири Баҳром Солиев**. — Чунки, унда бошқа масалалар қатори худудий нашрларни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти даврида ўзини ўзи таъминлаш мақсадида маркетинг ва менежмент йўналишларига кенг эътибор қаратиш, ўқувчини қизиқтирадиган ва долзарб мавзуларни ёритиш, бунда жонли ва адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш бўйича тавсия ҳамда таклифлар билдирилди.

Инсон манзаралари

1983 йил. Душанбеда ўқирдим. Имтиҳону синовлардан безиллаб, «олтин давр»ни орзу қилган кунларимга лаънатлар айтиб юрган кезларим эди.

Турдимурод МУСТАФОЕВ
журналист


«Қизорди гул уётдин анжуманда»

Қироатсевар домла ва «сердум» талаба

Кўтаролмасанг, қўшиб кўтар деганларидек, «Олий математика» фанидан яна бир «дум» орттириб олдим. Қаҳқоров деган тунд ва бадқовоқ домла дарс берарди. Узи, аслини олиб қарасангиз, математикларнинг ҳаммаси бир гўр: еттинчи осмонда юришади. Лекин бизнинг Қаҳқоровимизнинг таърифини келтиришга ҳали-ҳамон маҳоратим етмайди. Имтиҳон топшириш учун унинг қаршига ўтирган талаба тергов бераётган гумондор аҳолига тушарди. Ҳазил қилган бўларди баъзан. Ҳазиллари ҳам ўзига ўхшаб совуқ, бетайин эди. Қарашидан ҳайқардик. Икки йил қўлида ўқиб, кўзининг ранги қанақа эканлигини билолган эмасан. Хуллас, ана шундай бир... ўқитувчининг фанидан қайта имтиҳон топширишига тўғри келди. Қайта топшириш нималигини ҳамма билади. Бошқа гуруҳга қўшилиб кирасиз-да, домлага са-

дақа сўрагандек мўлтираб ўтираварасиз. Хуши келса, савол-павол бериб, андармон қилиб қўяди. Кайфияти мундайроқ бўлса, имтиҳон топшираётган гуруҳга «кўргазма» қилиб, хуморидан чиқади. Бироқ менга бу гал бутунлай бошқача муомала қилди, яъни Қаҳқоров домлаимиз: — Турдимурод, сиз шоирмисез? — деб қолди кутилмаганда тожикча талаффуз билан. — Ха, ха! — дедим садақадан умидвор бўлиб. — Классикларни биласийми? — Озроқ ўқиганман, — дедим гапнинг ройишини билолмай. — Бўмаса мана бундоқ қиламез: ҳозир иккимиз мушоира мегузароём. Битта-биттадан байт қироат қиламез. — Мен форс-тожик классикларини яхши билмайман-да, — дедим латтам сувга тушиб. — Ҳеч гап не. Ўзбекча қироат

қиламез. Локигин фақат классикларни. Ҳозиргилардан битта байт ҳам ўқимасиз. Юсангиз, «беш» қўйиб бераман. Бой меҳихе, ду! Фаҳмон? Ичимда, омадинг бор экан, Турдимурод! Бу ўзи ўзбекчани зўрга гапираркан, Навоийни қаердан билсин! «5» баҳо нақд энди, деб осмонга парвоз қилгудек бўлдим. Лекин сир бой бермадим. Бироз ўйланган, имкониятларимни чамаи чўт қилган бўлдим. Сўнг иккиланган киши рафтори билан астагина: «фаҳмидам, устоз, бошланг», дедим. Мулланг бисмиллосидан маълум деганларидек, адабиётимизнинг энг «тўри»дан, туркийда газал-лар бита бошлаган Атоийдан олдилар. *Жамолнинг вазфини қилдим чаманда, Қизорди гул уётдин анжуманда.* Навбат сенга дегандек ишора қилди.



Қаҳқоров менинг неча пудлик тошлигимни алақачон билган, ўзига каттик ишонган қўйи Навоийга мурожаат қила бошлаганда... мен мумтоз адабиётимизнинг адоқларига етиб келган, Муқимий бобонинг «Ароба»сига бир амаллаб «илашиб» олган эдим.

Бадровоқ домла гуруҳинг ярмини қўлдан чиқарганда ҳам Навоий мулкени тарк эта олмагандим. Бисотимдаги амлоқни бутунлай ишлатиб, пешонамни тириштирган қўйи буюк меросимиздан иккигина қатор шезъ излардим. Сукутим чўзилиб кетганидан бетақат бўлиб, таваккал қилдим: *Ваҳхи, ишқ саҳросида қолдим*

Бешиқ танҳо бугун, Чикма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда
бу саҳро бугун...

— Э, э! Усто ту. Бу классик эмас! — деб дағдаға қилди рақибим. — Навоийнинг «Лайли ва Махнун» достонидан бу, устоз! — дедим муросасозлик билан.

— Ухшамайде! Забон, шунинди, забон ўхшамайде! Бинобар ҳамин, ин классик не, — деди қатъий. Индамай эрга қараб туравердим. Абдулла Ориповнинг Навоийдан фарқини билардим, албатта, аммо... домлам сезмай қолар, деб умид қилувдим.

Шармандаларча мағлуб бўлдим. Ҳазини салкам даҳо чоғлаб, унчамунча давраларда Навоий, Бобурдан гап сотиб, не-не адабиётчи муаллимларни ер сингалатиб юрган «шоирча» бугун ҳалол йиқилди. Қаҳқоров маза қилиб қулди. Сурбетларча қўшилиб қулдим. Ҳарна: «садақа ради бало, бо ҳаққи расули худо», деб битта «ўламса у!» қўйиб берди. Ҳазини қаттиқ уқидим. Кейинлар ҳам варажам тушмади. Институтни битираётган кунимиз яна коридорда манглайма-манглай

дуч келиб қолдик. Ўлганнинг кунидан салом бериб, зиппилаб ўтиб кетаётдим. Қаҳқоров: — Турдимурод, — деб тўхтатди. — Лаббай, домла.

Рўпарасида кўндаланг бўлдим. Ҳисобни тенглаштира олмасам ҳам, лоқал қисқартириш мумкин-ку? Домла менга қараб чин кўнгилдан жилмайди.

— Ман диссертацияни Тошканга ҳимоя қилган. Уч йил аспирантурага ўқиган. Бинобар ҳамин, ўзбеклардан кўп яхшилик кўрган. Нон-намак бўлган. Ҳозиргача «рафти-омад» қилиб тураем. Ман Навоийни бисёр яхши кўраман. Тошканга ўқиганимга бир йбромхем деган ўртоғем ўргатган манга Навоийни. Мана, ҳозир ҳам папкамга «Бобирнома» хаст. Ман ўшаларни ўқиб, ўзбекларга меҳрини ошди. Сан маңдан хафа бўлиб юрмагин-а. Ман санга нима учун ҳув ўшанда мушоира қилганимни билмоқчи бўлсанг, Камол Хўжандийни ўқи. Яхшилаб ўқи, кейин манга юзингни тескари бурмайдиган бўлсан, — деди ва бир муддат синиқ термулиб турди. Худо ҳаққи, кўнглим алланечук бўлиб кетди.

...Домла билан маънос хайрлашдим. Кейин тақдир бизни бошқа дуч қилмади. Камол Хўжандийнинг ўзбекча таржимасини топиб ўқидим. Домлам ишора қилган сабабини илғамадим ёки тополмадим. Лекин Рудакий, Жомий, Хўжандий каби шоирлар етишиб чиққан элга меҳрим ва ҳурматим янада ошди. Эҳтимол, домла Қаҳқорови ҳам Навоий, Бобуру Машрабларни ўқиб, ўзи учун кўп ганжи давлатни кашф қилгандир? Балки ўша мушоира баҳона мени бир сийламоқчи, ўзбек биродарларига, Ўзбекистонга самийий муҳаббатини ман шундай — унутилмас меҳр йўл билан изҳор этмоқчи бўлгандир...

► "Hurriyat" гурунги

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофотлари лауреати, болаларнинг сеvimли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг асарлари немис, итальян, француз, эстон, латиш, фин, чех сингари дунёнинг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилинган. Телероманлари асосида экранлаштирилган фильмлар ёш томошабинларнинг меҳрини қозона олди.

Адиба УМИРОВА

"Hurriyat" мухбири

Болалар дунёсида яшаётган адиб

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Худойберди ТЎХТАБОЕВ билан суҳбат

— Сиз бола руҳиятини яхши ўрганган ёзувчисиз, асарларингизда уларнинг дарди сизнинг дардингиз, қувончи қувончингиз эканлиги сезилиб туради. Сиз болалар дунёсидан ўзингизни топа олган ёзувчисиз...

— Болалар ёзувчиси ёш болага ўхшайди. Мана, ҳозир ҳам ўзимни боладай ҳис қиламан. Эркалик қилиб, сизга бир мактанай-да! Ёш дўстларимга атаб ёзган асарларим сабаб меҳрини қозондим. Уларнинг гаройиб олаmidан ўзимни топдим.

Марк Твен, Жюль Верн, Жанни Родариелар ўз асарларида илмга интилувчан, саргушатта қизиқувчан, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, тенгқурларига ёрдам берувчи қаҳрамон образини яратган. Албатта, улар ҳам болалар олаmidан олиб, бадиийлаштириб яна болаларнинг ўзига асар ҳолида қайтаришган. Ана шундай асарлар ўлмайди, қайта-қайта нашр этилади. 90 ёшли қўрқинлик ёзувчи Григорий Тютюнски шогирдлари бир бурчақда йиғлаб ўтирганни кўришган. Кексайганда ҳам бегуборлигини сақлаб қололган адиб, ҳақиқий болалар ёзувчиси.

Менга бола йиғласа кўзимга ёш қуйилиб келишини кўп айтишган. Баъзи ёзувчилар қаҳрамонларни хаёлан қидиради, ёлгон тўқимадан иборат саргушатга ўраллашиб қолади. Аслида, қаҳрамонни ҳаётнинг ўзидан қидириш керак, улар ҳар қандай фантазияни йўлда қолдиради. Масалан, шахматчи Ислонбек Синдаров беш ёшида бутун дунёни лол қолдирди. Унинг иқтидорини тасаввурда жонлантириб, фантазия жанрига хос, болаларбоп гўзал асар яратса бўлади. Дейлик, ўсмирлар ўртасида бири-бири билан ҳисобли дўстлашиш, сўкинчи гаплашишдек қусурлар учрайди, айниқса, катталарни хурмат қилиш каби инсоний фазилатлар камайиб бораётганда, ана шунинг ўзидан тарбиявий аҳамиятга моллик асарлар пайдо бўлади. Болалар ёзувчиси болалар дунёсида яшаш керак.

Шунингдек, "Мен ҳаммадан яхшиман, энг яхши қийилларни мен қийишим керак", "Мен дарсда олдинги партада ўтиришим шарт",

"Мени ҳамма хурмат қилиши лозим", дея ўзига юқори баҳо берадиган болалар бор, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ички дунёсини ўрганиш, аниқроғи, худбинлик кайфиятининг сабабларини билиш болалар ёзувчиси учун зарур. Ана шунда ҳаётнинг асарлар яратилади.

Сиз, бугун болалар учун намойиш этилаётган мультфильмларга бари эътибор беринг-а, қаҳрамонлари аждаҳолар, қароқчилар, жодугарлар, нега шундай? Биз фарзандларимизнинг қалбини четдан қариб келётган тажовузкор нарсалардан эҳтиёт қилиб, ўрнига аждодларимиздан етиб келган қадриятларни синдиришимиз керак. Миллатни миллат қиладиган нараса — бу унинг маънавий қадриятидир.

— Боладаги айрим иллатлар оиладан юққан бўлса, сиз тарбия билан тўғри йўлга солса бўлади деб ўйлайсизми?..

— Олимларнинг айтишича, она қорнидаги чақалоқда олдин мия, кейин қалб шаклланади. Қара, аввал онг, сўнг ботиний кўз, ундан кейин бошқа аъзолар шаклланади. Кейин кўрган нарсалари ёки эшитган эртаклари орқали олаmidан аниқлаш ва ақлий фаолиятида 3-5-7 ёш асосий босқич вазифасини ўтайди. Барча тушунчалар, таассуротлар ўша ёшнинг устига қурилади. Оиладан ўтадиган айрим қусурларни инкор этмайман. Салбий хислатлар атроф-муҳит, мактаб ва катталар таъсирида пайдо бўлади. Бари бир таълим ва тарбия кўп нарсани ўзгартиришга қодир. Боладаги меҳнатсеварлик ёки ижодий қобилият таълим, тарбия воситасида рағбатлантирилмася ривожланмай қолади. Мазъулият бўлмаса ноёб истеъдодлар сояда қолиб кетиши мумкин. Истеъдод тарбияга муҳтож.

Ҳазрат Навоийда "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмаман", деган бетакрор сатр бор, буни эслаганим, мен болага ўзини англашига ёрдам бериш керак демуқчиман. Болани руҳан ва жисмонан тарбиялашни Жанубий Корея ва Япония яхши йўлга қўйган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мактабга таълимни янгича шаклда, кенг микёсда шакллантирай-

лик деяпти. Бу гендаги қобилиятни эртароқ англашга ва ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзим баъзида кўриб қоламан: "Мен бугун ҳаммадан яхши чизаман", деб чопкиллаб боғчага кетаётган кичкинтойларни ёки "Мен бугун, албатта, беш баҳо оламан", деб шахдам қадамлар билан мактабга кетаётган ўғил-қизларни, шу дамларда беихтиёр ўзимнинг болалигим ёдимга тушади...


...Болалигим уруш авжига чиққан паллага тўғри келган. Оналар: "Эй Аллоҳ, шу қишдан болаларимни соғ-омон олиб чиқармиканман", деб зорланарди. Қиш бўлишига қарамай, мактабга юпун кийиниб борардик. Қўлимизга яримта нон тегса, бир бурдасини еб, бир бурдасини синглимизга олиб келардик. Отам Украинанинг Херсон вилоятига қулоқ қилинган, онам ўзидан 40 ёш катта, беш болали чолга турмушга чиққан. Ана шундай мураккаб шароитда машаққатли кунларни бошдан кечирганман. Болалигим азоб-укубат, хўрликлар ичида кечган. Шундай бўлса-да, ўзимдаги жисмоний ва руҳий ҳолатни сақлаб олганман. Етимлик кишини тезроқ чиниктираркан, камолотга етказаркан...

Бугунги болалар — Мустақиллик фарзандлари. Тинч, осуда, фаровон ҳаётда билим олишмоқда. Бунга фақат шукр қилиш керак!

— Асарларингиздаги қаҳрамонлар 13-17 ёшли болалар. Бу пайтда бегуборлик билан бирга маъсулиятни давр бошланади. Энди бола ўз уйига сизмайди. Ота-онаси ва муаллимлар берган таълимга қаноат қилмайди, Хошимжондек дунёга чиққиси, қаҳрамонликлар кўрсатгиси келади...

— Ҳа, албатта, бу ёшда болалар дунёни эгаллагиси келади. Уларда маъсулият пайдо бўлади. Энди у ўзини бошқаларга кўрсатгиси келади. Истеъдодни юзага чиқаришга интилади. Дунёни ўргана бошлайди.

Биласизми, кўчада бирон болага дуч келсам келиб менга дардини айтади, бундан севиноман, ёзганларим бехуда кетмабди деб. Баъзан эса маҳалла-қўй, мактаб, қўни-қўшнилар орасида безори,



ўғри, жанжалкаш деб ном чиқарган ёш дўстларим билан суҳбатлашганимда, уларнинг вужудида факулдодга қайнаб ётган истеъдод борлигини кўраман. Бундай пайтда қаттиққўллик билан босим ўтказиш эмас, болага қобилиятини ташқарига чиқариш, ўзини кўрсатиш учун шароит яратиш бериш керак. Гоҳида бу кучни бошқаришга ўзининг кучи етмаслиги мумкин. Болага ҳар томонлама мукамал тарбия бериш қийин, албатта. Лекин, яхши таълим-тарбия билан одати ёмон боладан элга муносиб фарзанд етишиб чиқиши мумкин.

Саид Аҳмад домла: "Болалар ёзувчиси бола ҳақида асар ёзаётганда асари тугагунча бола бўлиб турмася, уни ҳеч ким ўқимайди", деганди. Чунки болалик орзулари бир нуқтада турмайди. Ўзувчи улар олаmidани яхши билиши, ўй-хаёллари, симболдек бекорор ҳаётини синчковлик билан ўрганиши, ўзи ҳам ҳар нарсасига қизиқувчан бўлиши керак.

— Дунё адабиётида болалар учун йигирма тўрт жанрда асарлар ёзилади. Бу жанрларда ижод қилиш Германия, Англия ва Жанубий Кореяда яхши ривожланган. Бизда болалар адабиётида жанр қашшоқлиги туфайли эртак, таржима асарлар, "Ўзинг бую" сериясидаги юпка китобчаларни қайта-қайта нашр қилиш айрим нашриётларнинг асосий даромад манбаига айланиб қолмаётганимиз...

— Тўғри, шу кунларда болалар адабиёти, айниқса, настрий асарларга жуда катта эҳтиёж сезаяпти. Бу турда болалар севиб ўқийдиган асарлар яратилмаяпти. Айтганимиздек, китоб расталарини такрор босиладиган эртаклар, "Ўзинг бую" сериясидаги юпка китобчалар эгаллаб олгани бор гап.

Мен республикамизнинг турли вилоятларида ижодий учрашуларда бўламан, "Қани, болалар, ким қандай китоб ўқиди?" — дея савол бераман. Баъзан бирор ўқувчидан садо чиқмай, зал сукунатга чўмади. Ўқитувчиси ёрдамида зўра "Тоҳир ва Зухра", "Зумрад ва Қиммат", "Уч оғайни ботирлар"ни санайди. Эртакларга ортакча ружу қўйиб, бугунги кун болалар ҳаётинга бағишлаб китоб олиб келган ёзувчини қамситидиган ноширлар бор, уларга аламли сўз айтгим келади. Афсуски, айтмайман. Айтсам, ўзимнинг китобимни ҳам чиқармай қўйишарди.

Хар йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўладиган болалар адабиётининг ҳисобот йиғилишида қатнашаман, болаларга атаб ёзилган шеърлар, ҳикоялар тилга олинади. Бу асарлар мутахассислар томонидан таҳлил қилинади. Аммо, натижа йўқ.

Жанр масаласига келсак, ҳар туғул эътибор берилаяпти. Ҳатто техникага оид асарлар адабиёт сифатида шаклланаёпти. Болалар шу пайтгача техникага оид билимларни фақат турли энциклопедиялардан оларди. Техника билими ҳам маданият. Бу интеллектдаги ривожланиш омилларидан бири. Европа мамлакатларида ҳар бир бола уч соҳани билиши қарий қилинган. Биринчиси — ўзининг қизиққан соҳаси, иккинчиси — техника билими кўникмаси, учинчиси — бирор касб-ўнаер эгаси бўлиш. Бугунги яратилган имкониятлардан фойдаланиб, биз ҳам болалар адабиёти деган ўзига хос олаmidани бойитишимиз керак. Мен болалар учун нафақат техникага, балки ўсимликлар, ҳайвонлар дунёсига оид асарлар яратилиши тарафдориман.

— Шу ўринда, Тургеневнинг: "Битта дарахтни ўрганиш учун барча дарахтларни қучоқлаб чиқиш шарт эмас. Битта дарахтни ўрганишнинг ўзи кифоя", деган гапи ёдимга тушди. Мухбир сифатида бугун ўзига тўқ битта оила фарзандини қандай китоб ўқийгани, қандай киноларни кўраётгани, қандай мусиқа тинглаётгани билан қизиқдим. Баъзи оилаларда китобхонлик у ёқда турсин, бола ўз хатосини англаб етиши учун ҳатто бирорта ўзбекиона ибора ёки мақол ишлатилмас экан. Сиз бизнинг ота-оналаримиз шу қадар эринчоқ деб ўйлайсизми?

— Бунга битта сабабни кўрсатиш жуда қийин. Аммо Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган бугунги иқтисодий, сиёсий, маърифий ислохотлар жамиятни бирдан уйғотиб юборди. Ота-оналарнинг бола олдидаги маъсулияти оширилди. Айниқса, бошланғич таълимгача бўлган тарбияга алоҳида эътибор қаратилади. Юртбошимизнинг "Эй ота, Эй она, Эй мураббий! Бола тарбияси учун жавобгарсан", деган муружа-

ати бўлди. Ҳўш, бугун неча фоиз оналар фарзандларига халқ достонларини ўқиб бераёпти? Аллани қайси оҳангда айтаяпти? Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмайди. "Ўзинг бую" сериясидаги юпка китобчалар ҳозирги ота-оналарни эринчоқ қилиб қўйди. Фарзандларини китобга қизиқтириш ўрнига, телевизор олдида думалаб катта бўлиши учун шароит яратиш бераёпти. Боланинг хотирасидан кўп нарсалар ўчиб кетиши мумкин. Аммо ўқиган асар қаҳрамонлари ва унинг қилиқлари унутилмайди. Ота-оналар фарзандини моддий жиҳатдан таъминлаш билан бирга, маънавий дунёсини бойитиш ҳақида ҳам ўйлаши керак.

— Сиз табаррук ёшда ижодий сафарларга чиқиб турасиз, бу сизга илҳом берадими?

— Ҳа, албатта. Республикаимизнинг турли вилоятларида, хусусан, Тошкент вилоятининг Пискент, Бўка, Бекобод ва Зангиота туманларида бўлганимда, ёш фермерлар билан учрашдим. Ҳатто кечаси бир фермернинг чайласида ётиб қолдим. 87 гектар ери бор экан. 10 гектаридан уруғлик чигит оларкан. Фермер пахта ҳосилга киргунча неча марта чопиқ қилинишию неча марта сув ичишини мароқ билан сўзлаб берди. Эртаси кун чорвадорниқча меҳмон бўлдим. Украиндан эчки олиб келибди. Кунига 6 литр сўт беракан. Бундан таъбирланган ёшлар "Янги оҳангда қуйлаётган вилоят" сарлаҳвали мақолам "Халқ сўзи" газетасида чоп этилди.

Тўғри, далада меҳнат қиладиган ёш дўстларимнинг эришган ютуқларидан қувонсам, камчиликларини кўриб кўнглим тўлмади. Баъзилари тadbirkorлик билан шуғулланаман деб давлатдан олган каттагина маблағни аризмаган ишларга сарфлаётди. Олис худудлардаги унумдор ва серҳосил ерлар бекор ётганига қуйиндим. Болаларнинг фантазия, билими ва меҳнатсеварлигини оширадиган, кишлоқ ҳаётини ёритиб берадиган тўқис асарлар зарурлиги кўнглимдан кечди.

— Газета — ахборот етакчиси бўлганим, жамиятни тозалашда фельетоннинг аҳамияти борми? Сиз адолатсевар фельетончисиз. Лекин, ҳадеб ўғрилар, пиёнистарлар, поракўрлар тўғрисида ёзаверсанг, яхши одамлар ҳам кўзингизга шубҳали кўринадиган бўлиб қоларкан. Сизда ҳам шундай бўлганими?

— Газета ахборот ташувчи бўлгани билан унда катта гап айтмасанг, катта журналист бўлмайман. Тўғри, фельетон ёзиш керак. Аммо, ҳар соҳанинг ўз мутахассиси бўлгани яхши. Фельетон ҳаётга мафтун, одамлардан гўзал фазилатлар қидирадиган, завқшавқ билан тасвирлайдиган истеъдодли ёзувчиларни йўлдан тойдириши мумкин.

"Тошкент ҳақиқати", "Қизил Ўзбекистон" ҳозирги ("Ўзбекистон овози") газеталарида 14 йил фельетончи бўлиб ишладим. 300 дан ортиқ фельетонларим Т.Худойбердиев, Н.Каримов, Н.Баранова, И.Тўхтаев деган номлар остида босилди.

Мен ўшанда адолатсизликларга қарши фельетонларим билан курашдим. Бир устозим: "Фельетонларинг бир кунги бошинга бало бўлади. Яхшичи сен роман ёз. Таъсири кучли бўлади", деганди. Шу гапи таъсир қилиб, болалар адабиётига ўтиб кетдим.

"Сен жаҳон чемпиони бўласан!"



Жавоҳирнинг улкан галабаси оиласига катта шодияна олиб келди. Унга Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Чорбоғ маҳалласидаги 102-уйдан 3 зонали квартира қалити топширилди.


"БИРИНЧИ БЎЛИШГА ИНТИЛАМАН"

Боланинг бегубор оиларини табаррук қилиб, истагини бажаришдан олдин, қизиқларига эътибор қаратиб,

фойдали машғулота йўналтирилса, келажакда етук шахс бўлиб воёга етади.

— Жавоҳир, 2012 йил декабрь ойида Деҳлида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осий чемпионатида олтин медални қўлга киритиб, Ватанимиз шаънини химоя қилганингиз. Осий чемпиони унвони келажакдаги улкан галабага кичик зина вазифасини ўтганини билганингиз?

— Йўқ, албатта. Ушанда мен олдимга бобомнинг ишончини оқлайман деган



мақсад қўйганим. Чунки, бобом уч ёшимдан бошлаб шахмат тахтасида дона суришни ўргатиб келади. Ва болалигимда: "Сен жаҳон чемпиони бўласан!" — дерди. Мен фақат биринчи бўлишга интиладим. Ва бугун мақсадимга етдим.

— Жаҳон рейтингида юксак чўққини забт этиб, энг ёш гроссмейстер бўлишингизда укангиз Ислонбекнинг ҳам хизмати бор. Эслайсизми, 2013 йил июнь ойида Эронда ўтказилган Осий чемпионатида Ислонбек рекорд ўрнатгани, яъни 6 ёшгача бўлган болалар ўртасида шахматнинг рапид, классик, блиц йўналишида 21 партиянинг 20 тасида голиб бўлиб, учта олтин медални қўлга киритгани.

— Тўғриси айтсам, укам мендан бир ёш кичик. Рекордни эса мен ўрнатмоқчи эдим, омад унга қулиб боқди. Устозим, имконияти чекланган ёшлар ўртасида шахмат бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Сирожиддин ака Зайниддинов билан шахматнинг сир-синаотларини қаттиқ ўргана бошладим. Сирожиддин аканинг синглиси Сабоҳат опа ҳам кўп ёрдам берди. Бобом шахматда турли химоя усулларини қўлашимни назорат қилиб турдилар. Натижани эса ўзингиз кўриб турибсиз...

— Мақсадингизга эришингиз, келажак орзуларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Мен эришган натижа — жаҳоннинг энг ёш гроссмейстери унвонига лойиқ дона суришим керак. Бунга эришаман деб ўйлайман. Чунки, шахмат мен севган спорт ўйини. Жуда қизиқман, келажакда бунданда яхши натижа кўрсатишга ҳаракат қиламан.

УСТОЗ

Биз Жавоҳирни шахмат олаmidа олиб кирган, унда хотира машқи — шахматга қизиқиш уйғота олган бобоси — Ўзбекистон шахмат федерацияси президентининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор Комил ака Синдоронинг қирларини ҳам ашитдик.

— Бир гал хизмат сафаридан қайтаётганим, самолётда болали аёл ёнимдаги ўриндикка ўтирдим. Чақалоғи негадир йиғлай бошлади. Аёл шоша-пиша қўлидаги сумкасини титқилади. Ва планшетини чиқариб, ниманидир қўйди. Бунга қаранг, чақалоқ йиғидан тўхтади. Компьютерга тикилиб қолди. Бу вақеа менга таъсир қилди. Уша пайтда Жавоҳир 2 ёшда эди. Компьютерни кўрса, то ёнига бормагунча тинчимасди. Аввалига, унинг мураккаб ўйинларни маҳорат билан бошқариши ўйлантириб қўйди. Хотираси кучли эди. 3 ёшда қарра жадвалини ёдлаб олди.

Кунларнинг берида Жавоҳирни спорт дўқонига олиб кирдим, шахмат тахтасини сойтиб олдим. Уйга келиб доналарни тахтачага тизиб чиқдим ва юришини ўргата бошладим. Бир пасда ўрганиб олди. Кейин ишдан келишимни пойлаб ўтирадиган бўлди. Столида шахмат тахтаси, доналар тартиб билан терилган бўларди.

Кейин мураббий Сабоҳат Зайниддиновага олиб бордим. Қаранг, компьютерсиз туролмайдиган неварам беш ёшга тўлмасдан шахматчи бўлди. Ундан бир ёш кичик укаси — Ислонбек ҳам акасидан ўрناк олди.

Шахмат — ақл жанги, деб бекор айтишмайди. Бир жойда кўп ўтирилади, бунинг саломатликка таъсири бор. Соғлигини мустаҳкамлаш учун невараларим билан ҳар кун футбол ўйнайман. Кичик неварам Хумоюн футболга қатнайди. Зарбаси зўр.

Мен бир нарсани англадим: болаларни спорт билан шуғулантириш учун, уларда қизиқ уйғота билиш керак экан...

► Анжуман

Хитойда шу йилнинг сентябрь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) давлатлари ОАВларининг вакиллари учун 20 кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Беларуссия, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан келган вакиллар иштирок этдилар. Пекинга самолётимиз кўнрақ, Нада (асл исми Дяо Сихань) исмли таржимон қиз бизни кўтиб олди. Манзилимизга етгунча, йўл-йўлакай, мезбон юртининг табиати ва ўзига хос шаҳар архитектураси ҳақида қизиқарли маълумотларни сўзлаб борди.

Камола ПОЛВОНОВА

Кўшиқларда маъшуканинг паришон сочларига қиёс этилгучи мажнунтолларнинг йўл четида тизилиб туриши менга Фарғона водийсининг хушманзара табиатини эслатиб юборди. Йўллар кенг ва раvon, велосипед ҳамда скутер учун олоҳида йўлак мавжуд. Бир-бирини такролламайдиган кўп қаватли бинолар кўкка бўй чўзган.

Ниҳоят "Юй Лун" меҳмонхонасига етиб келдик. Бизни чет тиллардаги адабиётларни нашр қилиш ва тарқатиш бўйича ўқув маркази вакиллари семинар дастурлари билан таништиришди. Машғулотлар бир-биридан қизиқарли бўлди, шу билан бирга, боришимиз белгиланган маданият муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари хорижий давлатлар эътиборидаги масканлар саналаркан.

Халқаро йўналишдаги нашриёт корпорацияси таркибига 7 нашриёт, 5 журнал, "Хитой" сайти ва ўқув марказлари бўлиб, 3 мингга яқин ходим ишлайди. Корпорациясига қарашли "China Pictorial" журнали 68 йилдан буён фаолият юритади. Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун миллий ва моддий маданий меросни тарғиб қилади. Ҳозир журналнинг юзга яқин мамлакатда ўз ўқувчилари бор. 9 тилда нашр этилади.

Семинар дастурига кўра, электрон ва босма нашрлар фаолияти билан танишдик. Жумладан, халқаро хитой

радиоси дунёнинг 65 тилида эшиттиришлар тарқатаркан. Ҳозирги кунда ушбу радионинг 32 нафар хорижий муҳбирлари фаолият юритиб, дунёда содир бўлаётган қизиқарли ва долзарб мавзуларда эшиттиришлар тайёрлар экан. Пекиндаги ШХТ котибияти, Пекин шаҳарсозлик идорасининг кўрғазма зали, "Синьхуа" ахборот агентлигига сафар ҳам барчамизга манзур бўлди.

Хитой марказий телевидениесига эса 1958 йилда асос солинган бўлиб, тарқатиш бўйича 42 телеканал ва 529 дастур киритилган. Шундан сўнг, Хитой илм-фан ва техника музейи, автомобиль ишлаб чиқарадиган "Weijing Motor Co, LTD" компанияси, Го Цзы Цзянь коллежига бордик.

Учрашувлар давомида радио ва телевидение таҳририятларида давра суҳбатлари ўтказилди. Суҳбат жараёнида ҳамкасблар фаолияти билан танишиб, муҳим маълумотларга эга бўлдик. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаган ҳолда фаолият юритишга келишиб олинди.

Сафар давомида биз истикомат қилаётган меҳмонхонада семинар ўтказилди. Машғулотларда "Хитой ҳақида", "Хитой тилини ўрганамиз", "Бир макон — бир йўл", "Хитойнинг Ўрта Осиё билан ҳамкорлиги", "Хитой орсуси ва ижтимоий хусусиятлари" мавзуларида Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марка-



Сун Чун

зий Осиё олий ўқув юрталари илмий ҳамкори Чжан Хун, Хитойдаги ўқув даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари Ван Юйянь, Чжан Дунмэй томонидан маърузалар тингладик. Семинарлар якунига етгач, Хитойнинг жанубида жойлашган Гуанси-Чжуан автоном туманидаги шаҳарларда бўлдик. "Пекин — Гуйлин" йўналиши бўйича янги сафаримиз бошланди.

Сафаримиз давомида тиббиёт воситалари ишлаб чиқарадиган фармацевтика цехи, "Гуйлинга желе" музейи фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик. Музейда тошбақадан тайёрланган ва саломатлик учун фойдаланган турли желе намуналарини кўриш мумкин.

"Guangxi wuzhou maosheng tea co, LTD" чой плантациясида чойнинг тайёрланиш, қадоқланиш жараёнида иштирок этдик ва маҳсулот сақланадиган махсус омборхонада бўлдик. Бу ерда чойнинг 10 га яқин турлари ишлаб чиқарилади ва барча давлатларга экспорт қилинади.

Плантация кўрғазма зали фоесидан ўрин олган 1 тонналик чой намунаси ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмади. Хитой қизлари томонидан санъат даражасига кўтарилган чой дамлаш саҳнаси намойиш этилди.

Чин юртининг сержило "кўзгуси"

Шу билан бирга, 1800 йиллик тарихга эга Учжоу шаҳри музейи ҳамда Хэган биносининг ўзига хос жиҳатлари ҳам шаҳарнинг нуфуси ва қийматини янада ошириб турарди.

Наньнинг шаҳрида бўлганимизда Цинсю тоғи ва боатаника богини томоша қилдик. Тоғ бағрида шаҳар кафтдек кўриниб турарди. Бетакрор флора олами ва табиат манзаралари эса ҳар биримизни мафтун қилганди. Ерқин гуллар, ландшафт дизайн асосида ташкил этилган манзараларни кўриб, хайратимизни яшира олмадик. Бу ерда шаҳарнинг рамзий белгиси бўл-

ган "хитой атиргули"нинг кўлаб турларини учратиш мумкин эди.

Конференция залида семинарнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Хорижий тиллардаги адабиётларни нашр қилиш ва тарқатиш бўйича ўқув маркази бошлиғи Чжао Лицзюнь ва марказнинг халқаро коммуникациялар бўлими мудири Ван Фан барча иштирокчиларга миннатдорчилик изхор қилди, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ниятини билдирди. Ташкилотчилар томонидан семинар иштирокчиларига сертификат топширилди.

Фарғона вилояти

► Тарих сабоқлари

"Гаров"да ушлаб турилганларга тааллуқли материалларни судга тақдим этишмаганининг яна бир сабаби — улар тергов сохталаштирилганлигини ошкор қилиб қўйишдан хавфсирашган.

Виктор ИЛЮХИН

юридик фанлар доктори, профессор

Гдляннинг миллионлари: афсонами, ҳақиқат?

"Ўзингни, хотининг ва болаларингни қамаймиз!" "Дипломат пул билан лиқ тўла эди."

Қонунга хилоф усулларни қўллаш орқали жиноятга ҳеч бир алоқаси бўлмаган одамларни тухмат қилиш даражасига олиб борганлар. Ўзларининг шахсий жамғармаларини терговчиларга топширишга, қариндош-уруғларидан, таниш-билишларидан пул қарз олишга, бутун қишлоқ бўйлаб маҳаллама-маҳалла юриб, пул йиғишга мажбур этганлар. Кўп ҳолларда улар магазинлардан заргарлик буюмларини сотиб олиб, камалишдан кўрқиб, жиноий йўл билан топиладиган буюм деб топширганлар. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, пул ва буюмларни ана шундай "мусодара" қилиш Ўзбекистон бўйлаб амалга оширилган.

Бу ҳолатни Бекжонови мисолида кўриш мумкин. 2-гурӯх ногирони бўлган бу одам бир неча бор сўроққа қақирилади, ундан 500

минг сўм пора беришни талаб қилишади. У жиноятга қўл урмаганини, шунча пулни умрида кўрмаганини ва қўлига ушламаганини айтиб, рад жавобини беради. Аммо: "Ўзингни, хотининг ва болаларингни қамаймиз", деган дўқпўлисадан кейин юз минг сўм топиб, келтириб беришга рози бўлади. У қариндош-уруғларидан, таниш-билишларидан қарз кўтаради. Кимдан қанча қарз олганини нотариус идорасида тасдиқлатида (кейинчалик биз бу ҳужжатлар билан танишдик, нотариусни, пул қарз берган кишиларни сўроқ қилдик). Олган қарзларига Бекжонови ўзининг жамғармасини қўшиб, терговчига 97 минг сўм келтириб беради. Аммо, ноинсоф терговчилар бу пул жиноий йўл билан топиладиган, порахўрнинг илтимосига кўра, Бекжонови келтириб бераётган пул сифатида расмийлаштиради.

"Гаров"даги яна бир киши —



Бекембетовни 11 кеча-кундуз ҳибсда сақлашади, бир неча юз минг беришга "кўндиришади". Сўнгра озод қилиб юборишади ва "башарти ваъда қилинган пулни келтириб бермаса, ўзини яна қамоққа тушиши ва оила аъзолари ҳам қўшиб қамалиши" ҳақида огоҳлантиришади. Бекембетов 50 минг сўм пул йиғида ва сингиса билан бирга прокуратурага олиб келади. Терговчи шу захотиёқ гувоҳлар ҳузурда пулларни қабул қилиб олади, аммо сохта баённома тузиб, ундан бу пуллар Бекембетов уйи ёнидаги бинодан топилади, деб ёзади. Биз бу ҳодисани текширган чоғимизда ўша гувоҳларни қидириб топдик. Улар воқеа аслида қандай бўлганлигини дарҳол айтиб беришди. Уйда ҳеч қандай тинтув бўлмаган, пулларни прокуратурага келтириб беришган. Биз шу билан кифояланиб қолмадик. Ҳолбуки, сохталикка йўл қўйилганлигини аниқлаш учун Бекембетов, унинг сингиса, қариндош-уруғлари берган гувоҳликларининг ўзи ҳам кифоя эди. Бекембетовнинг уйига бордик, не кўз билан кўрайликки, унинг уйи ёнида ҳеч қанақа қўшимча бино йўқ эди.

Терговчининг ўзи ҳам Бекембетов билан юзлаштирилганида баённомани сохталаштирилганлигини тан олишга мажбур бўлди. Гдлян билан боғлиқ тергов ҳужжатларини ўрганиш чоғида "жиноий йўл билан топиладиган буюмларни, катта маблағни яширилганлиги ҳақида" ўз айбини бўйинига олган "гаровдаги" одамларнинг берган гувоҳликлари диққатимизни тортди. Улар қимматбаҳо буюм ва пулларни қаерда сақлаганликлари, қанча миқдордалиги, "ўғирлик" буюм ва пуллар яширилган жойларини ипидан-игнасигача батафсил тушунтиради ва қандай қилиб топиш мумкинлиги ҳақида гапирарди. Аммо, бизни хайратга солган нарса шу бўлдики, терговчилар ана шу пул ва буюмлар яширилган жойга бориб, тинтув ўтказиш ва уларни мусодара қилишга шошилишмайди. Буни Гдлян ўзининг тергов "тактикаси" деб изоҳлайди. Аммо кўп ҳолларда тинтув умуман ўтказилмаган, чунки берилган гувоҳликлар сохталигини терговчилар билишган, улар айтилган жойларда ҳеч вақо сақланмаслигини ҳам билишган. Оддий усулни қўллаган — қўлга олинган одам-

ни қамоқдан бўшатишган ва "сақлаётган" нарсани олиб келишга мажбур қилишган. Ундан кейинги воқеаларнинг қай тарзда ривожланиши юқорида келтирилган миқдорлардан ҳам кўриниб турибди. Ашвдий далиллар — Гдляннинг энг нозик жойларидан бири эди. Биз уларни текширишга астойдил киришгандик, аммо Бош прокурор Н.Трубиннинг ишни ётқизганлиги камомат, қимматбаҳо буюмларни алмаштирилганидан далолат берувчи кўпгина фактларни охиригача батафсил текшириб чиқишга ҳалал берарди. Ёдимда, 1989 йил охирида СССР Прокуратурасида ўтказилган партия йиғилишида мен минбардан туриб ҳаммининг ҳузурда Гдлян жуда кўп пул ва қимматбаҳо буюмларни қайтаришга тўғри келишини айтган эдим. Ушунда сўкут сақлаган, эътироз билдирмаган, сўзларимни рад қилмаганди, холбуки, одати бўйича у ўзига хос қатъиятлик ва шижоат билан ўзиникини маъқуллаган ўрганган эди. Башарти эътироз билдира бошлаганда, мен ҳам ўз навбатида аниқ мисоллар келтирган бўлардим.

Гдлян гуруҳи ўтказган тинтув баённомаларида "60 та ва ундан кўпроқ тилла танга мусодара қилинди", "Дипломат пул билан лиқ тўла эди", деган ёзувларга кўзингиз тушади. Ўш, аниқроғи тилла танга қанча эди? Анигини ҳеч ким билмасди.

Гдлян қимматбаҳо буюмларни мусодара қилишдики тартибсизликларни оқлаш учун бир неча бор уларни топиладиган ерда санаб ўтириш хатарли эди, ахир қимматбаҳо буюмларнинг ўзи кўп эди-да, деб айтганди. Топилган буюмларнинг қўлиги ҳақида унинг айтганларига қўшилса бўлар, аммо хавф-хатарга келсак, бирон марта бундай ҳол юз бермаган. Ёки бошқа бир мисол, тинтувлардан бирида тилла тангалар билан тўлдирилган икки юз граммли шиша банкани топишган, тангаларга туширилган герб, бургут тасвирини қайд этишган-у, аммо тангаларнинг ўзини санашга ҳеч кимнинг фурсати бўлмаган. Тинтув соат 18⁰⁰ дан 18³⁰ га қадар ўтказилган, буни нормал ҳол дейиш мумкин. Чунки кўп нарса эмас, бор-йўғи юз граммли шиша банка рўйхатга олинган.

Қимматбаҳо буюмларнинг айримлари олингандан кейин умуман кўздан кеңирилмаган, идишга жойланиб, сургучланмаган. Шундай фактлар ҳам аниқланди — тинтув ўтказилган вақтда топиладиган пуллар, қимматбаҳо буюмлар идишга жойланганидан кейин муҳр билан сургучланган бўлса, кўздан кеңириш учун уни очишганда мултоқ бошқа муҳр нусхаси борлиги маълум бўлган.

1984 йил март ойида Иззатов иши бўйича топиладиган қимматбаҳо буюмларнинг умумий миқдори тафтиш қилинганда 5274 сўмлик тилла буюм (24 донга), 1049 сўмлик 15 донга кўл соати аниқланди. Унга бу буюмлар қарерга гўмдон бўлганлиги ойнадек равшан бўлиши керак эди.


Мейлеев иши бўйича "Шарп" магнитофони, "Сони" фотоаппарати, иккита "Италия" сигнали ва "Шарп" автомобиль магнитофони, жами 5200 сўмлик буюм еттишмаётганлиги аниқланган (улар 1984 йилда рўйхатга олинган эди).

(Давоми бор)

Чемпионларнинг устози

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби дзюдо тўғрисидаги мураббийи Пўлат Кумеков кўп вақт ўзбекистон чемпионати совриндорларини тайёрлаган. Элликлан ортиқ шогирди спорт усталигига номзод ва I-тоифали спортчилардир.

— Спортга болалигимдан қизиқман, — дейди мураббий. — Айни пайтда устозларимдан олган билимимни шогирдларимга ўргатаман. Улар эришадиган муваффақият билан фахрланаман.



М.ХАБИЙУЛЛАЕВ (ЎЗА) ФОТОСИ.

► Спорт

► Сочмалар

Ҳаёт сабоғи тафаккур талқинида

Шухрат РЎЗИЕВ

ЮРАК ДОШ БЕРМАЙДИ

Ақл кулоққа дебди:
— Нимага сен бировлар ҳақидаги миш-миш гапларни эшитсан-у, аммо ҳақ гапларни сира эшитгинг келмайди?
— Аслида, ҳақ гапларни эшитгим келади, бироқ сен қилган нодонликларга юрак дош беролмайди-да, — дебди кулоқ.

ВИЖДОНДАН СЎРА

Юз уятга дебди:
— Ҳой уят, ҳожамиз баъзан бўлмағур, ўзига ярашмаган ишлар қиладики, чидолмайман. Афсуски, шундай пайт сени топиб бўлмайди. Озроқ қизиллигиндан берсанги хижолатим енгиллашармиди дейман-да...
— Сен қизаришни виждондан сўра. Ахир виждон бўлмаса, мен нимаям қилаолардим, — дебди уят.

ИНСОФИ ЙЎҚ

Инсоф виждонга қараб:
— Ҳар бозор сизни чақираман, бир оғиз "Ҳа, нима гап", демайсиз-а, — дебди.
— Тинчликми? — сўрабди виждон.
— Ҳўжайин савдо қилади, харидор: ҳой инсофинг борми сени, дейди. Мен ичда тураман, аммо ҳўжайин мени кўрмайди. Харидор эса инсофинг йўқ экан, деб кетади. Шундай пайт ҳўжайинни бир туртиб қўйсанг дейманда, — дебди.
— Эй, бу масалада сен йиғласанг, мен хўнграйман. Чунки, мен ҳўжайинни ҳар гал савдолашганда туртаман. Аммо, у менга эмас, нафсга кулоқ солади, — дебди виждон.

Иложини топсангиз миннатли сув ичманг, чунки у пешонадан эмас, юракдан муздай тер бўлиб чиқади.

Оналарнинг яхшиликлари сочининг толасидан кўп, аммо буни сочи тўқилганда билади холос.

Ҳар бир одам душманни ёқтирмайди, бироқ мактовни хуш кўрадиган бўлса, душманлар қуршовига қандай бориб қолганини ўзи билмай қолади.

Аёлни бемалол мардлар қаторига қўшса бўлади, чунки у боласини ҳеч қачон ботқоқда қолдириб кетмайди.

Яхшиликлар кўп, аммо миннат аралашмагани дур каби ноёб.

Кишининг нуқсонларини баъзилар ёнғоқ каби баргллар орасидан топиб, териб юради. Албатта, ейиш учун эмас, тарқатиш учун.

Лоқайдликни кўнгил кенглигига тенглаштирмаслик керак.

Ўзларини бахтли кўрсатишга уринган кишилар ёш болага ўхшайди Фарқи уларнинг кўз ёшлари юзига эмас, ичига томади.

Ота касал боласини тузатади, нобоп ўғил соғ отасини касал қилади.

Югурдакнинг оёғи эмас, кекирдаги узун бўлади.

Ширин сўзининг гадоси кўп, аччиқ сўз гадога ҳам керак эмас. Мана гадо ҳолига тушадиганларнинг хатоси қаерда.

ЭЪЛОН

Тошкент Матбаа-ноширлик касб-ҳунар коллежи томонидан Қодирова Зулайхо Асқаржон қизига 2014 йилда берилган К № 4894645 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

67/18

Газетамизнинг навбатдаги сони 2018 йил 7 ноябрь кунини чиқади.

► Таҳлил

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модда).

Холида ФАЙЗИЕВА

"Hurriyat" мухбири

ТАБИАТ — ҒАМХЎР ОНА

"Замин — асли она. Унинг ҳар бир унсори оналикнинг ўлмас достони тараннум этади. Бағрида етиштирилган нъматлар она кўксидида сутга ўхшайди. Замин башариятни тўйғазади, ичиреди-кийдиреди". Қадимий маданий ёдгорлигимиз "Авесто"даги ушбу сўзларни унуттишга ҳақимиз йўқ! Табиат, чинданам, ғамхўр онага ўхшайди. Ўзи ҳам биздан эътибору эъзоз қутади, ғамхўрликка эҳтиёж сезади. Дунё тиббиётининг хулосаларига қараганда, соғлигимизнинг 55 фоизи ўзимизга, қолган омишлар эса экологияга боғлиқ экан. Демак, табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни доимий тартибга солиб туриш зарур.

"Пойтахт" бизнес марказининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказган табиатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган семинар-тренингда шу ҳақда сўз борди. Ҳўш, бундай тадбирлардан мақсад нима? Экологик назорат қончилиги? Аҳоли ушбу соҳадаги ўзгаришлардан кенг хабардорми?

Семинарда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори С. Юсупов мазкур масалалар атрофида фикр юритаркан, гарчи ОАВда экология мавзусидаги материаллар сезиларли даражада кўпайган бўлса-да, муаммал таҳлилий чиқишлар камлигини таъкидлади. Одамларни ҳушёрликка чақирди, жамоатчилик назоратини қўлайтириш орқалигина табиат билан муносабатни изчил изга солиш мумкинлигини кайд этди.

Ҳозирги иқлим ўзгаришлари инсониятнинг атроф-муҳитга etkazatган зарари билан боғланмоқда. Жаҳон ҳамжамияти бундай ўзгаришларни жиддий муаммолардан бири сифатида тан олаётди. Ўзбекистон иқлим ўзгариши таъсирини кўпроқ мойил бўлган мамлакатлар қаторига киради. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, бу каби ўзгаришлар экотизимлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Булар таъсирида, биргина мамлакатимиз миқёсида, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм минтақаларида экологик вазият кескинлашиши мумкин. Йил мобайнида жазиранинг давомийлиги аҳоли ўртасида касалликлар кўпайишига олиб келади. Селлар, тошқинлар-

нинг тез-тез такрорланиши кузатилади.

"ПАРИЖ БИТИМИ"ДАН МАҚСАД НИМА?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 25 сентябрда ўтказилган навбатдаги мажлисида ана шу муаммолар кўриб чиқилди. Унда Президентимизнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида парламент қўйи палатасига киритилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгаришига оид конвенция-

чилиги сезилаётганига қарамай, хануз ушбу неъматнинг қадрига етмаймиз. Одамларимизда сувдан фойдаланиш маданияти шаклланмаган. Ичимлик сувини исроф қилмаслик кераклигини яхши билганимиз ҳолда, бемалол машина ювгимиз, томорқа сўғорамиз, кўп қаватли уйлар орасидаги водопровод кранидан сув оқиб ётганини кўрсакда, бефарқ қараймиз. Ораимизда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғри-

даги ишларнинг тизимли олиб борилаётганини кўрсатишмоқда.

— Президентимизнинг жорий йил 18 майдаги "Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан экологик хавфсизликни таъминлашга қулай шарт-шароит яратиш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини зарур даражада шакллантиришга



ЭКОЛОГИЯ: муаммо, муносабат, мулоҳаза

си "Париж битими"ни (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунни маъқуллади.

Мазкур битимнинг мақсади сайёрамизда глобал исхиши индустриал ривожланиш давридаги ўртача ҳароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 2°C га сақлаб туриш ҳамда ҳароратнинг 1,5°C гача ўсишини чеклашга ҳаракат қилишдан иборат. Шунингдек, унда ривожланган мамлакатларнинг тараққий этаётган мамлакатларга иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашиш борасидаги сайё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мажбурияти юклатилган. 2020 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва устуворликларини эътиборга олиб, молиявий кўмакни 100 миллиард АҚШ долларига etkazatилган қарор қилинган. Ҳозирги вақтда махсус жамғарма умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ доллари бўлган 35 лойиҳани молиялаштирмоқда. Уларнинг орасида Ўзбекистон ва Тожикистон учун Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги "Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг олдини олиш дастури" лойиҳасини молиялаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилаётди. Ушбу грантнинг умумий қиймати 20 миллион АҚШ доллари га тенг.

ОБИ ҲАЁТНИ АСРАЙЛИК!

Азалдан ота-боболаримиз сувни қадрлаган. Сув кўп ва афсона ва ривоятларда ҳаёт манбаи сифатида эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Ҳақиқатан, сувсиз ҳаёт йўқ. Шукри, мамлакатимизда ичимлик суви жуда арзон. Бироқ, афсуски, деярли барча ҳудудларда сув так-

сида"ги қонунни биладигандан кўра, эшитмаган, билмайдиган кўпроқ. Бу ҳам майли. Жиллакурса, Бош Қомусимизнинг 50-моддасида қайд этилган "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" давлатини билишлари ва унга амал қилишлари зарур.

Сувнинг ифлосланиши буйрак хасталиги, онкология ва ўткир инфекцияли касалликларга сабаб бўлишини ҳам биладиганлар кўп эмас, назаримизда. Акс ҳолда ушбу неъматга нисбатан муносабат ўзгарган бўларди. Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, мамлакатимизда сув захираларининг ҳозирги сифати ўта қониксарсизлигига қолмоқда. Дарёларнинг ўрта ва қўйи оқимларида минераллашу ва ифлосланишнинг юқори даражалари кузатилаётди. Бу эса аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва табиий муҳитни сақлаб қолиш учун жиддий таҳдид демакдир.

ТОЗА ХУДУД УЧУН...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тез сурьатлар билан кўпайиб бораётган чиқиндиларни тўғри бошқариш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мумкин ва бу энг долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, яроқлилик мuddати ўтган маъиший ва таркибида рангли металллар мавжуд электрон техника чиқиндиларининг утилизациясига алоҳида аҳамият бериш даркор. Бугун нафақат мамлакатимиз, балки дунё халқларини ташвишга солаётган чиқинди муаммоси кейинги йилларда анчайин ўз ечимини топаётди. Айниқса, республикамиз бўйлаб "Тоза ҳудуд" ДУК филиалларининг ташкил топгани бу соҳа-

тўқинлик қилаётган айрим муаммолар бартараф этилмоқда, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош бошқарма бошлиғи Ҳабибулло Хусанов. — Айни пайтда чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар ташкил этилиб, инновацион технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Бундан ташқари, ўн иккита вилоят ва Тошкент шаҳрида 160 чиқинди ташлаш пункти қурилди. Республика бўйича 174 филиалимизнинг аҳоли ўрганиб чиқилиб, 122 таси ҳудудда талабга жавоб берадиган йироқ айрим шахслар ҳамон чиқиндиларни белгиланмаган жойларга яширинча ташлаб кетишяпти. Ёки сув манбаларини ифлослантириш, ҳазонларни ёқиб қоллари учрамоқда. Айнан шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун синов тариқасида Тошкент шаҳри Юнусобод туманида чиқинди йиғиш ер ости модулени яратдик. Ҳозир одамларимиз кўча-кўйга бемалол отиб кетаётган полимер плёнкали пакетлар билан боғлиқ муаммо ҳам қарорга асосан ечимини топадиган бўлди. 2019 йил 1 январдан бошлаб бундай пакетларни бепул бериш, уларнинг нархини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар нарҳига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннаридан паст нарҳларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно) тақиқланади. Тадбир сўнггида "Амударё — фотокамера кўзгусида" тиллови эълон қилинди.

HURRIYAT

Бош муҳаррир
Кулман ОЧИЛ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоиси келишидан нарҳда

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — 20⁰⁰
Топширилди — 18⁰⁰

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайн Нигора Ташева томонидан соҳифаланди.

Навбатчи: Юсуф Жўраев

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Индекс: якка бунчалар ва ташиқлотлар учун — 233